

А З А М А Т З И Ё

**Ўзбек аёллари
тарих
с а ҳ н а с и д а**

*Томир хотун, Қабаж хотун, Сароймулкхоним,
Гавҳаршодбегим*

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти
2002

Ушбу рисолада бирламчи тарихий манбаларга асосланган ҳолда бир қатор тарихий шахслар - Томир хотун, Қабаж хотун, Сароймулқхоним, Гавҳаршодбегимларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

0503020904 - з-596

3 ————— Рез.2002

М 355(04)-2002

© Ўзбекистон Республикаси
ФА “Фан” нашриёти,
2002 йил.

ISB N 5-648-02802-4

Ўзбек давлатчилиги тарихида аёллар орасидан етишиб чиққан арбобларнинг ижтимоий-сиёсий муносабатларда тутган фаол ўрни яққол кўзга ташланади. Томир хотун, Қабаж хотун, Сарой-мулкхоним, Гавҳаршодбегим каби қатор тарихий шахсларнинг мамлакатимиз ўтмишида, халқимиз ҳаётида эгаллаган мавқеи ўзига хос бўлса-да, уларнинг барини бирлаштириб турадиган бир омил бор. У ҳам бўлса, улар шу юрт, шу эл хизматида яшаганлар. Энг муҳими, ўзбек давлатчилигининг 2700 йиллик тарихий тараққиётида уларнинг ҳам давлат, жамоат арбоби сифатида ўзига хос ўринлари бор.

Ўзбек аёлларининг Ватан мустақиллиги, юрт озодлиги учун олиб борилган курашлардаги жасурлик ва собитқадамликлари, миллатпарварликлари бугунги авлод учун ҳар жиҳатдан ибратлидир. Бунёдкорлик, ободончилик, меъморчилик бобида, илму маърифатни эгаллаш, тарғиб этиш соҳаларида улардан бизга катта маънавий бисот ва ғурур намунаси қолган.



ТОМИР ХОТУН

2700 йиллик давлатчилик тарихига эга ўзбек халқи мазкур улкан давр давомида кўп марта ўз давлат мустақиллигини ҳимоя қилишига тўғри келган. Бундай синов аждоқларимиз бошига милоддан аввалги биринчи минг йилликда ҳам тушган эди.

Милоддан аввалги VI аср ўрталарида кишилиқ тарихидаги илк империя - аҳамонийлар салтанати барпо бўлади. Унга асос солганлар Эрон мамлакатидан чиққан аҳамонийлар сулоласи ҳисобланиб, улар нисбатан қисқа муддатда Мисрдан шимоли-ғарбий Ҳиндистонгача бўлган ерларни босиб олганлар. Мазкур ҳудуд халқларининг аҳамоний босқинчиларга қарши курашларини синдиришда, айниқса, эронлик Куруш (558-530)¹ ҳукмронлик қилган давр алоҳида ажралиб туради. Аҳамонийлар салтанатини ўзга юртлар ҳисобига кенгайтиришда айнан шу ҳукмдорнинг «хизматлари» катта бўлган². Тақдир тақозоси билан Куруш ўз ўлимини Турон заминда, яъни бизнинг юртимизда, узоқ аждоқларимизнинг чет эллик тажовузчиларга қарши мардонавор курашларида топгани ҳам маълум.

Ўша замон тарихчилари гувоҳлик беришларича, сўз кетаётган даврда юртимизда малика Томир хотун давлатни бошқарар эди.

¹ Куруш юнонлик муаллифлар асарларида Кир, Бобил манбаларида эса Кураш шаклида берилган.

² Қаранг: Д а н д а м а е в М. Политическая история ахеменидской державы. 1985. С.1-52.

Милоддан аввалги асрларда мамлакатимизда юз берган воқеалар акс этган маҳаллий ҳужжатлар бизнинг замонларгача етиб келмагани сабаб тарихчилар ушбу мавзунини ёритишда ўша йилларда битилган юнон, эрон манбаларига суянишга мажбурдилар³. Масаланинг бу томонига урғу беришимизга сабаб, биринчидан, ихтиёримизда хорижлик муаллифлар қолдирган тарихий гувоҳликларни қиёсий ўрганиш учун ўзимизнинг аждодларимиз томонидан битилган тарихий ҳужжатлар йўқ. Иккинчидан, мавжуд тарихий гувоҳликлар муаллифлари табиий равишда ўзлари яшаган ва хизмат қилган давлат манфаатларини четлаб ўтолмаганлар. Учинчидан, ушбу муаллифлар ўзга юрт хусусиятлари, қадриятларини ҳамма вақт ҳам чуқур англаб етолмаганлар, шу сабабдан ҳам баъзи жиҳатларни ёритишда ўз тунунча ва билимларини устун қўйганлар. Масалан, юнон манбаларида ва кейинчалик уларга суянган ҳолда Европа адабиётида юқорида тилга олинган малика номи *Tomiris* шаклида қайд этилади. Юнон тили ва грамматикаси нуқтан назаридан бундай ёндошув табиий, албатта. Худди шунингдек, Темур исми ушбу тилда *Temiris* шаклида ифода этилишига ажабланмаслик керак. Ўз пайтида юнон муаллифларининг тилга олинган тарихий гувоҳликлари рус муаллифлари томонидан таржима қилинаётганда *Tomiris* рус тилида Томирис шаклини олган.

Маълумки, мустақиллик даврида (XIX асрнинг 60- йиллари - 1991) ўзбек тарихшунослиги асосан рус тарихшунослиги мактабига, жумладан, ҳукмрон тилда мавжуд адабиётларга суяниб, шу тилда иш юритган. Шу сабабдан биз кўраётган мавзу учун ҳам манба бўлиб милоддан олдинги юнон тарихчилари асарларининг рус тилидаги тажимаси хизмат қилган. Қисқача айтганда, юнончадаги *Tomiris* русчада Томирисга, русчадаги Томирис эса ўзбекчада Тумарисга айланган. Шу ерда бир мантиқли савол туғилади: *Tomiris* аслида қандай жаранлаган? Шубҳа йўқки, Томир

³ Қаранг: Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. 1991. 45-60-бетлар.

(Томир) шаклида⁴. Қадим замонларда юртимизда мавжуд тарихий-маланий воқеалардан келиб чиққан ҳолда, Курушга қарши озодлик байроғини баланд кўтарган маликани Томир хотун, деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади⁵.

Энди миллоддан аввалги VI аср иккинчи ярми воқеаларига қайтсак, юнонлик тарихчи Ҳеродотнинг⁶ ёзинича, бу вақтда мамлакатимизда умр йўлдоши вафотидаг сўни тахтга чиққан Томир хотун ҳукмронлик қиларди. Амударёдан шимолда жойланган бой ўлкаларни ҳам босиб олиш ниятида бўлган Куруш аввалига Томир хотун даргоҳига элчи кўйиб, унга уйланимоқчи эканлиги борасида таклифни ташлайди⁷. Бошқача айтганда, эронлик ҳукмдор қудра-андачилик йўли билан Турон юртини тинч йўл билан ўз таъсир доирасига тортмоқчи бўлган. Ўтмишда сиёсатда, давлатлараро муносабатларда шундай услубдан фойдаланиб келинганини таъкидлаган ва табиий ҳисоблаган ҳолда Курушнинг бундай йўл тутганига бошқа сабаб ҳам бўлганини урғуламоқ керак. Яъни, биринчидан, тарбий йўналишдаги рақибни Миерга қарши уруш бошлангандан олдин шимол-шарқий сарҳадлардан тугилишни мумкин бўлган ҳавфнинг олдини олиб кўйиш, иккинчидан, Томир хотунни ҳарамига олиш мўлжалли амалга ошса, Турон заминининг ҳарбий салоҳиятидан унумли фойдаланиш. “Аmmo,- деб ёзади Ҳеродот, - (Курушнинг) ўзига эмас, балки подшоҳликка совчи бўлаётганини яхши англаган Томир хотун, (унинг) никоҳ борасидаги таклифни рад этган”⁸. Айёрлиги ни бермаган Куруш энди ҳарбий йўл билан мақсадига эришмоқчи бўлади. Бунинг учун у, аввало Амударёдан кечиб ўтиш учун кўприклар қура бошлайди.

⁴ Ушбу фикр ilk бор тинчлик туркшунос олим Қ.Маҳмудов томонидан илгари сурилган.

⁵ Араблар босқини арафасига юртимизда Қабж хотун номли малика бўлганини эслаш ўринлидир.

⁶ *Herodotus* (миллоддан аввалги 490-480 йиллар орасида тутилди, 425 йил аτροφиди вафот этган) - европаликлар томонидан «тарихчилар отаси» номини сазовар бўлган мутафаккир. Қадими Юнонистон, Лидия, Мидия, Аҳамонийлар салтанати баёнига бағишланган «Тарих» асарининг муаллифи.

⁷ История Узбекистана в источниках, 1984, С. 52.

⁸ Уша жойда.

Босқинчиларнинг барча хатти-ҳаракатларини диққат билан кузатиб турган Томир хотун ҳам Амударёнинг ўнг қирғоғида қўшин тўплашга киришади. Аммо тўқнашув юз бериши олдиан Томир хотун Курушнинг ҳузурига ўз элчисини қуйидаги мурожаат билан йўллайди: “Мидияликлар подшоҳи, бу уринишларингни бас қил. Ахир ушбу режанг хали омад келтирадими ё йўқми, сен билмайсан-ку. Хуружингни тўхтаг. Биз ўз мулкларимизни қандай бошқараётганимизга қараб ўзингни тий ва юртингда подшоҳлик қилавер. Биламан, сен бу маслаҳатга кўнмаслигинг аниқ ва барибир нима қилиб бўлса ҳам шаҳдиндан қайтмаслиқни афзал кўрасан. Агар массагетлар⁹ билан куч синашишни жуда ҳам хоҳласанг, кўприклар қуришдек оғир юмушларни бас қил ва биз дарёдан уч кунлик йўл масофасида узоклашганимиздан сўнг бизнинг юртимизга ўт. Агар бизни ўз сарҳалларингда қабул қилишни жоиз, деб билсанг, сен ҳам шундай иш тут”¹⁰. Шундан сўнг, деб ёзади Ҳеродот, Куруш ўзининг энг нуфузли аъёнлари, ҳарбийларини маслаҳатга йиғиб, Томир хотуннинг таклифини ўртага ташлайди. Аввалига йиғилганлар аксариятининг фикри бир жойдан чиқиб, Томир хотун қўшинини ўз юрғларида кутиб оладиган бўладилар. Аммо мазкур кенгашда қатнашган Лидиянинг собиқ ҳукмдори, Куруш ушбу ўлкани босиб олгандан сўнг унинг асири ва ҳарбий маслаҳатчисига айланган Крезнинг¹¹ қистови билан урушни Турон заминида олиб боришга аҳд қилиб, бу ҳақда Томир хотунга ҳам хабар берадилар¹².

Шу чоққача бутун Эрон ҳудудида ҳукмронлигини ўрнатган, Бобил¹³, Кичик Осиё, жумладан, Лидияни¹⁴ забт этиб, катта ҳарбий қудратга эга бўлган Куруш туронликларга қарши урушга отла-

⁹ *Массагетлар* - сўз кетаётган даврда қадимги аجدодларимиз таркибидаги йирик этник гуруҳлардан бири.

¹⁰ *История Узбекистана в источниках*. С.52.

¹¹ *Крез* - милоддан аввалги 560-546- йилларда Лидия подшоҳи.

¹² *История Узбекистана в источниках*. С.52.

¹³ *Бобил* - Дажла ва Фрғт дарёлари оралигидаги Жазира минтақасининг жанубида жойлашган тарихий ўлка.

¹⁴ *Лидия* - Кичик Осиёдаги тарихий давлат.

наркан, ўз галабасига қатъий ишонмаган. Буни шундан ҳам билса бўладики, Ҳеродотнинг гувоҳлик беришича, Куруш мабодо Томир хотунга қарши ҳарбий юрини муваффақиятли чиқмаса, нималар қилиши борасида ўгли Камбизга¹⁵ насиҳату маслаҳатлар берган ва уни тахт вориси деб эълон қилиб, Эронда қолдирган¹⁶.

Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, Крез Курушни ҳарбий ҳаракатларни Амударёнинг ўнг соҳилида олиб боришга кўнглириш билан бирга Томир хотун кўшинига қарши қандай услубла урушини ҳам маслаҳат берган. Шунга кўра эронликлар ланкари Амударёдан ўтиб, бир кунлик йўл масофада мамлакат ичкариёсига суқилиб кирадиларда, ҳарбий макон қурдилар. Сўнг эа лашкарнинг энг заиф қисмини шу ерда қолдириб, асосий жанговар аскарлар Амударё томон чеккина бонлайдилар. Албатта, бу ҳийла эди. Бундан беҳабар Томир хотун кўшининини уздан бир қисмига ўз ўзини бош қилиб, душман қароргоҳига ҳужумга юборди. Улар жангда ғолиб келдилар ва таним истеҳкомини эгаллайдилар. Крезнинг найрангига кўра бу ерда тайёр инвирилган овқатлар ва май тўла ичинлар қолдирилган бўлиб уларга, афтидан, уйқу дориси ҳам қўниланган бўлган. Томир хотун аскарлари улардан тановул қилдилару, тез орада уйқуга кетдилар. Фуратдан фойдаланган Курушнинг жанговар қисмлари орқага қайтиб, туронликларнинг кўнчилигини тилдан ўтказдилар, қолганларини эса, жумладан, Томир хотуннинг ўглини ҳам асирга оладилар¹⁷.

Мазкур қўққислан юз берган аянчли дамларда Томир хотун ўзини мардонавор тутгани маълум. Буни маликанинг аҳамоний ҳукмдор номига йўллаган қўнидаги мактуби ҳам намоёнлиги этиб турибди: “Эй, қонга ташна Куруш, бўлиб ўтган воқеадан кеккайиб ўтирма. Ўзларинг мусалласга тўйиб олгач жазавага тушиб, ичганларинг оғзинглардан тошиб таналарингизга тўкилганда, ичинглардаги қандай ёмон сўзлар ташқарига чиққинини билла-

¹⁵ *Камбиз*: II-милоддан аввалги 530-522 йилларда аҳамонийлар ҳукмдори.

¹⁶ *История Узбекистана в источниках*. С. 53.

¹⁷ Ушга жонда.

санку. Сен менинг ўғлимни мардларча жангда эмас, мана шундай оғу воситасида айёрлик билан енгдинг. Энди сенинг фойданга бўлган менинг сўзларимни эшит: гарчи массагетлар қўшинининг учлан бирига нисбатан мунофиқона иш тутган бўлсанда, майли (мен розиман) ўғлимни қайтаргинда, ўзинг эса бизнинг юртдан яхшиликча жўнаб қол. Агар раъиймга юрмасанг, Қўён номи билан массагетлар ҳукмдори сифатида онг ичаманки, гарчи сенинг нафсинг ҳеч қачон тўймасада, лекин барибир сени қон билан тўйдираман”¹⁸. Ушбу сўзлар, ҳеч бир муболагасиз, Томир хотуннинг маръинги ва матонати, зукколиги ва қатъий иродасидан далолат беради, албатта. Маликанинг ўгли масаласига келсак, мусаллас таъсиридан фориг бўлиб, ўзига келган шаҳзода қандай аянчи аҳволга тушиб қолганини англагач, Курушдан қўлларини кишидан халос этишни сўраган. Кишини ечиб ташлашлари биланоқ, орияти чидамасдан ўзини-ўзи ўлдирган¹⁹.

Эътиборлиси шундаки, зурриётдан айрилган Томир хотуннинг оҳ-воҳга берилгани борасида манбаларда бир оғиз маълумот у ёқда турсин, ҳатто шунга ишора ҳам йўқ. Аксинча, малика дарҳол қўшини тўшлаб, босқинчиларга қарши жанга киради. Томир хотун ва улкан салтанат соҳиби Куруш ўртасида юз берган бу тўқнашувнинг кўлами ҳақида Херодот шундай ёзган: “юнон бўлмаган халқлар ўртасида буниданла шафқатсизроқ жанг содир бўлмаган бўлса керак”²⁰. Ҳақиқатан икки томон ўртасида қангик олишув бўлган. Камонлардан бир-бирларини ўққа тутанларидан сўнг даҳанаки жанг бошланган. Охири Томир хотун аскарларининг қўли баланд келган. Баъзи бир маълумотларга қараганда эронликлар талофати 200 000 кишини ташкил этган²¹. Душманга берилган зарба шу қадар қақшатқич бўлганки, римлик тарихчи Помпей Трог (миллдан аввалги I аср - миллдий I аср) қолдирган

¹⁸ Ўша жойда.

¹⁹ Ўша жойда.

²⁰ Ўша жойда.

²¹ Политическая история ахеменидской державы. С. 53.

гувоҳликларга кўра, эронликлар лашкаридан ҳатто бирон киши қутулиб кетолмаган²². Шундан сўнг, деб ёзади Ҳеродот, инсон қони билан тўлдирилган мешни тутганча Томир хотун жанг майдонида ҳалок бўлганлар орасидан Курушни ахтара бошлади. Унинг жасадини топгач эса калласини қон тўла мешга солдида шундай деди: “Ўғлимни ҳийла-найранг билан қўлга олиб, қалбимга найза санчдинг. Мен эса сени жангда енгдим ва мен тирикман. Энди эса онг ичганимдек, сени қонга тўйдирмоқдаман”²³.

Афсуски, манбаларда Томир хотуннинг бундан кейинги ҳаёти ва фаолияти ҳақида бирон бир маълумот топилмайди. Аммо юқорида зикр этилган тарихий воқеалар аждодларимизнинг, жумладан, ўзбек оналари ва аёлларининг энг қадимги замонларда ҳам Ватан мустақиллиги, миллат озодлиги йўлида кўрасатган фидокорликларидан гувоҳлик беради.

²² *Батафсил қаранг*: Эпитома сочинения Помпея Трога // Вестник древней истории. 1954. № 2-4; 1955. №1.

²³ История Узбекистана в источниках. С. 54.



ҚАБАЖ ХОТУН

Миллоддан аввалги даврда юртимизга лашкар тортиб келган илк босқинчилар - аҳамонийларга қарши чиққан Томир хотун бўлса, орадан минг йилдан ошиқ вақт ўтиб, миллодий VI асрда ажлодларимиз яна бир бор ташқи дуниманга қарши курашга отланганларида, уларга Қабаж хотун номи ила манхур малика бошчилик қилганди.

VI асрда мамлакатни сиёсий жиҳатдан бириктириб турган Ашиналийлар сулоласининг ҳукмронлиги инқирозга юз тулган ушбу еттинчи асрда Туркистонда ягона сиёсий марказ ва давлат бошқарувини маҳкам қўлга олган мустақил сиёсий куч йўқ эди. Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Қашқаларё, Сурхондарё воҳа ва водийларида маҳаллий сулозаларнинг ҳар бири ўзбошича фаолият кўрсатар эдилар. Ўтмишимизнинг бундан олдинги ва кейинги даврларида бўлгани каби жамиятимизда ички бошбошлоқлик, ўзаро зиддият ҳукм сурган йилларда, албатта, ташқаридан бирор хавф тугилган. Бу сафар ҳам шундай бўлган. VII аср биринчи ярмида Арабистон ярим оролида вужудга келган ва тез орада кучга тўлиб, ташқи ўлкаларни талаш ва бўйсундириш сиёсатини авж олдирган Араб халифалиги лашкари шу юз йилликнинг ўрталарида мамлакатимиз сарҳадларига ҳам зуғум қила бошлаган.

651 йили Марвни эгаллаган араб лашкарбошилари ўлкамиз ичкарасига бостириб киришда Бухоро йўналишини таплаганлар. Халифа Муовия¹ томонидан 673 йили Хуросон ноиблигига тайинланган Убайдулла б. Зиёд² шу йилиёқ ilk бор Бухоро томон отланади³. Бу пайтда Бухорони Қабаж хотун исмли малика бошқарарди. Абу Бакр Муҳаммад б. Жаъфар Наршахийнинг (Х аср) гувоҳлик беришича, эри Бидун Бухорхудот вафотидан сўнг ўгли Тағшоданинг жуда ҳам ёшлиги сабаб Қабаж хотун 680 йили ҳокимият бошқарувини ўз қўлига олишга мажбур бўлган⁴. Шу ўринда қуйидаги масалага тўхтаб ўтиш жоиздир.

Ўтган замон баъзи бир илмий адабиётларида⁵ 673 йили Убайдулла б. Зиёдга қарши чиққан бухоролик маликанинг номи номаълумлиги таъкидланиб, уни шартли равишда «Тағшоданинг онаси» деб аташ қабул қилинган. Бирламчи манбаларни қиёсий ўрганиш шунга олиб келдики, Абу Жаъфар Муҳаммад б. Жарир Табарий (838-923) қаламига мансуб «Тарих ар-русул ва-л-мудук» («Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи») асаринда Убайдулла б. Зиёд билан жанг қилган маликанинг номи Қабаж хотун эканлиги аниқ ёзилган экан⁶. Бундан ташқари бошқа бир мўътабар тарихчи - Аҳмад б. Абу Яъқуб (Х аср) ҳам ушбу йилда Бухорони «Хотун» исмли малика бошқариб тургани ҳақида гувоҳликлар қолдирган⁷. Бундан чиқди, Бухоро маликасининг номи энди аниқ, Яъни - Қабаж хотун.

Қабаж хотун донолиги билан донг чиқарган, халқнинг кўнглини ололган малика сифатида тарих саҳифаларида эътироф қилинган. У ҳар куни отга миниб Бухоро аркидан⁸ ташқа-

¹ *Муовия б. Абу Суфийн* — 661-680 йилларда Араб халифалиги ҳукмдори.

² *Убайдулла б. Зиёд* - 673-675 йилларда Хуросон ноиб.

³ *История ат-Табарии*. 1987. С.44.

⁴ Абу Бакр Муҳаммад б. Жаъфар Наршахий. *Бухоро тарихи*. «Мерос» гуруҳи. 1991. 92-бет.

⁵ Масалан, *қаранг*: *История Узбекской ССР*. Т.1. Книга первая. 1955.С.361.

⁶ *История ат-Табарии*. С.44.

⁷ Аҳмад б. Абу Яъқуб. *Тарихи Яъқубий*. 2-жилд. Техрон, 1371(х). 171-бет.

⁸ *Бухоро арки* (Бухоро ҳисори, Бухоро қалъаси) - қадимги ривоятларга кўра милотдан аввалги даврда Афросиёб ёки унинг қуёви Сиёвун томонидан барпо этилган. Кейинги замонларда харобага айланиб қолган. Бидун Бухорхудот ҳукмронлиги йиллари ҳисор ва унинг ҳудудлиги қаср қайтадан тикланади. Қаср «етти қароқчи юлдузи»нинг жойлашши шаклига монанд

ридаги Регистон (Алаффурушлар) дарвозаси яқинида маҳсуе тайёрланган жойдаги тахтга чиқиб ўтирган. Унинг атрофида аёёну амалдорлардан тортиб турли вазифадаги хизматкорлар машка амрига шай бўлиб турганлар. Айнан шу ерда Қабаж хотун давлат ишлари билан машгул бўлган, халқнинг додини тинглаган. Ушбу тадбир то тушга яқин давом этар экан. Тушдан кейин, кечга яқин малика яна бир бор шу ерга келиб бошқарув масалалари, фуқароларнинг арзини эшитиши каби юмушлар билан банд бўлар экан. Шунинг учун ҳам у мамлакатда рўй бераётган ҳар бир яхши-ёмон воқеа, шундан хабардор бўлиб турган, ўша заҳотиёқ чорасини кўрган⁹. Натижада оддий кишилар ҳам ундан мамнун бўлиб кетганлар. Шунинг учун бўлса керак, эри Билун Бухорхудоғ вафотидан сўнг тахтни эгаллаш ниятида бўлган сулоланинг бошқа вакиллариининг ҳаракатлари зое кетиб, Қабаж хотун ўн беш йил (680-695) давомида ҳукмронликни давом эттирган. Аммо мазкур йиллар оғир кечиб, айтилганидек, арабларнинг юртимизга ilk хуружлари айнан шу даврга тўғри келган.

Шундай қилиб, Убайдулла б. Зиёд 673 йили Амуларёни кечиб ўтиб, аввал Бойкенд¹⁰ ва Ромитенга¹¹ ҳужум қилади¹². Асосан ўлжапараслик ниятида амалга оширилган ушбу ҳарбий юришларнинг моҳияти мазкур шаҳарлар учун қураида ҳам тўла намоён бўлган. Чунончи, Убайдулла б. Зиёд беҳисоб бойликларни талайди, кўплаб кишиларни асирга олади. Асирлар-қуридан бўлиб, шарқий ва тарбий йўналишга икки дарвозани (Ғуриён ва Регистон дарвозалари) бўлиб, Хисор ҳудудида ҳар икки дарвозани тугангайиб туруви тугри, узун йўл солинган. Хисор ичкарисига олий ҳукмдор, амирлар, лашкарбонилар истиқомат қилганлар. Хавна ҳам шу ерда жойлашган (Бухоро тарихи, 104-105-бетлар).

⁹ Бухоро тарихи, 93-бет.

¹⁰ *Бойкенд* - Зарафшон vodiёсининг энг қадими шаҳарларидан. Ваиродалари Бухоронинг жануби-тарбидида сақланган. Унинг ёни Бухорё шаҳридан ҳам утүрүкчүр. Номилан ҳам кўриниб турганидек, бой - шаҳар ҳисобланган. Аҳолиси савдо-сотиқ ишларида ниҳоятла миринкор бўлиб, Хитой, Урта Шарқ мамлакатлари ва ҳатто денги йўллари орқали узоқ мамлакатларда ҳам бориб, савдо қилганлар. Шаҳарнинг ўзи ҳам катта савдо маркази эди. Шунинг умун бу ерда бунёд этилган работлар (тухтан жойлари, карвонсаройлар) сонг жула ҳам кун бўлган (Бухоро тарихи, 100-бет).

¹¹ *Ромитон* - мабаларда таъкилланишича, унинг ҳам тарихи Бухоредан кўчмарок бўлган. Унинг асосчиси сифатида Афросиёб номи тилга олинади. Қалмида бу ерда олий ҳукмдорнинг сарофи жойлашган бўлса-да, Бухоро шаҳри барио бўлганидан сўнг кўпроқ ношоҳларнинг кини фислидаги қароргоҳига айланган (Бухоро тарихи, 98-99-бетлар).

¹² Историю ил-Табари, С.44; Бухоро тарихи, 115-бет; Тарихи Яъқубий, 2-жилд, 171-бет.

нинг сони қанчалик катга бўлганини шундан ҳам билса бўладики, тўрт минг асирни Убайдулла б. Зиёд шахсан ўзига олган¹³. Шундан сўнг босқинчилар лашкари Бухоро томон юзланади. Шаҳар қалъаси мустаҳкам бўлсада, аммо кучларининг тенг эмаслигини ҳамда эрининг ўлимидан кейин тахт учун кураш зимдан ҳануз ҳоғима топмаганини мулоҳаза қилган Қабаж хотун Убайдулла б. Зиёд ҳузурига элчи қўйиб, етти кун муҳлат сўрайди. Малика агрофдан ёрдам келишига умид қилганди. Тез орада қўнни ҳудудлардан етиб келган қўнни ҳамда Бухоро лашкари билан бирга Қабаж хотун арабларга қарши жангга киради. Узоқ ва шафқатсиз кечган олашувда ҳар икки томондан ҳам кўплаб кишилар ҳалок бўлади. Афсуски, кучлар нисбати тенг бўлмаган шароитда аждодларимиз қўли наса келиб, малика қалъа ичкарисига кириб, қамал ҳолатда ҳимояни давом эттиради. Фуркатдан фойдаланган босқинчилар шаҳар агрофини талон-тарож қила бошлайдилар. Қурол-яроғ, кийим-кечак, тилла ва қумудан ишланган буюмлар, тақинчоқлар, хуллас ниманки қўлга тушса, барчасини талайдилар. Ҳатто тўс-тўнолонда Қабаж хотуннинг қасрларидир қолиб кетган бир пой этиги ва пайпогини ҳам олиб кетгандан тоймаганлар¹⁴. Маданий ривож нуқтани назаридан қолақ араблар ўлкани остин-устун қилишда ҳеч бир истиҳола қилмаганлар. Чунончи, Убайдулла б. Зиёд фармони билан дарахтлар кесиб ташланган, агроф қишлоқлар вайрон қилинган. Босқинчиларнинг асосий мақсади ўлжа эканини яхши англаган Қабаж хотун бу бедолликни фақат мол юбориши йўли билан бартараф қилиш мумкинлигини тушунади. Шу важдан ҳам Убайдулла б. Зиёдга бир миллион дирҳам маблағ беришини билдиради. Араблар лашкарбониси дарҳол рози бўлиб, ушбу маблағни ва юқорида тилга олинган тўрт минг асирни олиб ортига қайтиб кетган¹⁵.

¹³ Бухоро тарихи. 115-бет; Қисс учун қаранг: История ат-Табари. С.44; Тарихи Яъқубий. 2-жилд. 171-бет; Тарихномайн Табарий. 2-жилд. Техрон. 1373(х). 692-бет.

¹⁴ Этик ва пайпоқ ҳам анойн бўлмай, зардўз услубида тикилан бўлиб, қимматбаҳо тошлар билан безатилаган эди. Араблар уларни баҳо қилганларида икки юз минг дирҳамга тенг келган экан (Бухоро тарихи. 115-бет; История ат-Табари. С. 44).

Орадан икки йил ўтиб, 675 йили араблар яна бир бор юртимизга бостириб келганлар. Бу сафар уларга Хуросоннинг эяни ноиби Саъид б. Усмон¹⁶ бошчилик қилган. Уларга қарши фақат ўзининг қудрати етмаслигини билган Қабаж хотун аввало Сўд, Кен (Шаҳрисабз) ва Нахшаб (Қарши) вилоятларига бу ҳақда хабар йўллаб, ёрдам сўрайди. То кўмак етиб келгунга қадар ора вақтдан ютин ниятида «Убайдулла б. Зиёд билан тузган сулҳимда барқарорман» қабиллида нома билан Саъид б. Усмон ҳузурига элчи қўяди¹⁷. Элчи биргина нома билан эмас, тузуккина ўшён билан ҳам келгани учун Хуросон ноиби бир оз мулат ҳужумни тўхтатишга мажбур бўлган. Шу орада тилга олинган вилоятлардан етиб келган ҳарбий кучлар Қабаж хотун лашкари билан бирга жангга шайланадилар. Бўлиб ўтган олинувда бухороликлар енгилдилар. Яна ўзаро сулҳ тузилди. Шу билан бирга Қабаж хотуннинг барибир бўйин эгмаслиги, араблар ҳукмини тан олмаслигини яхши англаган Саъид б. Усмон Бухородан сўнг Самарқанд, умуман Сўд вилоятига хуруж қилиш режасини тузар экан. ўздан хавфсираб, «мен энди Сўд ва Самарқандга бораман, сен меннинг йўлимдасан, (қайтишимда) меннинг йўлимни тўмаслигинг ва мени ранжитмаслигинг учун сен томондан бирор гаров бўлиши лозим», дея маликага шарт қўяди. Қабаж хотун ушбу шартни қабул қилиб, маликзода ва зодагонлардан саксон кишини унга гаровга юборади. Қизиғи шундаки, талбиркорлиги билан ном чиқарган малика гаровга сўралганлар сирасига Бухоро тахтини ундан тортиб олиш ниятида юрган маҳаллий ҳарбийларнинг бир гуруҳини ҳам киритиб юборган экан¹⁸.

Хулласе, бухоролик аслзодаларни гаровга олган Хуросон ноиби Самарқандга юзланади. Бу вақтда, манба тили билан айтганда, «Самарқандда бирор подшоҳ йўқ эди»¹⁹. Шунинг

¹⁵ Бухоро тарихи. 115-бет.

¹⁶ Саъид б. Усмон - 675-677 йилларда Хуросон ноиби.

¹⁷ Бухоро тарихи. 116-бет.

¹⁸ Уша жойда.

¹⁹ Уша жойда. 117-бет.

учун бўлса керак, Саъид б. Усмоннинг ошиғи олчи келиб, вилоят аҳлини жангда енгади ва ўттиз минг кишини асир олишга, кўндан-кўн ўлжани қўлга киритишга муваффақ бўлади. Аммо Хуросон ноиб Қабаж хотунга берган ваъдасига вафо қилмаган. Орқага қайта туриб Бухорога етганида, малика ундан гаровдагиларни қайтаришни сўрайди. Бунга жавобан Саъид б. Усмон «ҳали сендан хотиржам бўлганим йўқ, токи Жайхундан ўтгунимгача гаровдагилар меники бўлади» деб, Амударёдан ўтиб олгунга қадар ҳам, кейин эса «Марвга етиб олай», сўнг эса «Нишонурга етгунимча қўятур» ва, ниҳоят, «Куфага етиб олай» дея, маликани алдаб гаровдаги аслзолаларни Мадинага олиб кетади. Унинг бундай бебурдлигини изоҳлаш мушкул эмас. Саъид б. Усмонни бухороликларнинг мол-мулки қизиқтирган. Мадинага етиб олгач, унинг буйругига кўра гаровдагиларнинг кийим-кечаги ва қурол-яроғидан тортиб зебу зийнатларигача барчаси тортиб олинган. Ўзларини эса шолча матоларга кийинтириб, экин-тикин ишларида қулларча ишлатганлар. Қулликдан ўзимни афзал билган бухороликлар «хорлик билан ўлгандан кўра бир йўла фойдали иш қилиб ўлайлик» дея, Саъид б. Усмон саройига кириб, аввал уни ўлдирдилар. сўнг эса бир-бировларига ҳанжар санчиб, ўзлари ҳам ҳалок бўладилар²⁰.

Араб халифалигидаги ҳар бир етёсий ўзгаринг, хуеусан Хуросон ноиблигига янги кишининг тайинланиши кўшни ўлкаларга ана шу янги ноиб томонидан ўлжанарастлик ва босқинчилик юришларини қайтадан бошланиши, дейилган эди. Буни биз Убайдулла б. Зиёд ва Саъид б. Усмон мисолларида яққол кўрдик. Халифа Язид²¹ томонидан Хуросонга ноибликка Муслим б. Зиёд²² тайинланганда ҳам ушбу «қонуният» бузилмаган. Бу энди

²⁰ Ушга жойда. 117-118-бетлар: Аҳмад б. Абу Яъқуб таъкидига, гаровда олинганлар суёлик шайхоналар бўлган (Тарихи Яъқубий, 2-жилд, 172-бет). Табарий ҳам шу фикрни қўлаб, аслзолаларнинг сонг элик нафар бўганини урудайдн (История ат-Табарн, С. 46-47).

²¹ Язид б. Абу-ни - 680-683 йилларда Араб халифалиги ҳукмдори.

²² Муслим б. Зиёд - 681-684 йилларда Хуросон ноибн.

яни ноибини Бухорога яна бир бор хуруж қилиши муқаррар ле-
гани эди. Ҳақиқатан ҳижрий 63 (682-683) йили у Бухорога даниқар
торғаси. Қабаж хотун Сўғд вилояти ҳокими Тархунга (711 йили
вафот этган) шундай мурожаат қилади: «мен сенга хотун бўлай,
Бухоро сенинг шаҳринг, сен келиб бу мамлакатдан араблар қўли-
ни узоқлаштиришини дозим»²³. Шунга биноан ва ўтган сафардаги-
дек арабларнинг Бухородан сўнг Сўғд вилоятига ҳам босиб бо-
ришларини яхши тушунган Тархун бир юз йигирма минг даниқар
билан Қабаж хотунга ёрдамга келади. Худди шунингдек, шимолд
сарҳадлардан Бидун бошлиқ қўшин ҳам етиб келади. Уларнинг бар-
часи бир бўлиб, Муслим б. Зиёда қарни жанга киришкенлар
Аввалига Қабаж хотун, Тархун, Бидун аскарлари босқинчилар-
нинг олди енгиласини қуритган бўлсаларда, ammo Бидуннинг ҳалок
бўлиши ҳамда арабларга қўшимча кучларининг етиб келиши оқибат-
тида бу сафар ҳам олишув бой берилди. Босқинчилар талон-га-
рожда шу қадар зўр берганларки, ўзгани тақсим қилганларида
уларнинг ҳар бир оғлиқ аскаринга икки минг тўрт юз дирҳамдан,
шиёда ҳарбийларга эса бир минг икки юз дирҳамдан теккан экан²⁴.
Бундай шароитда Қабаж хотуннинг яна бир бор Хуросон ноиб
билан сулуҳ тузишдан ўзга иложи қолмаган.

Қабаж хотуннинг кейинги фаолияти билан боғлиқ маълумотлар
бизгача етиб келмаган. Бироқ, юқорида келтирилган маълумотлар-
нинг ўзи ҳам, бир томондан, ўзбек аёлларининг тарихан давлат ва
еёвсаат ишларида ўзига хоё ўрин тутиб келганликларини неботласа,
иккинчи томондан эса Қабаж хотуннинг жуда оғир вазиятда юрти-
миз озодлигини ҳамоя қилишда қанчалик жаеурлик ва доноликни
намоён этганини кўрсатади. Энг муҳими, Қабаж хотун тақдир аждо-
дларимизнинг мустақилликни сақлаш учун олиб борган курашлар-
ни тарихнинг ажрасмас қисмидир.

²³ Бухоро тарихи, 117-118-бетлар.

²⁴ Ушш жойда 119-бет, Тарихи Яъқубий, 2 жилд, 192-бет.



САРОЙМУЛКХОНИМ

Сароймулкхоним номи тилга олинганда кўз ўнгимизда, бир томондан, буюк Амир Темурнинг жуфти ҳалони тавлаанса, иккинчи томондан, давлат ва жамият ишларида арбоблик даражасига юксалган, ҳар қандай эркак сиёсатчи ҳавас қилса арзигудай доно ва талбиркор аёл намоён бўлади.

XIV аср ўрталари мамлакатимиз тарихидан энг мураккаб наслалардан бири ҳисобланади. Ушбу давр юз йилдан ортиқ вақт мобайнида чўчилиб келаётган чингизийлар ҳукмронлиги, вилоят беклари ўртасидаги қарама-қаршиликлар, маҳаллий ва ҳукмрон кучлараро зиддиятлар халқнинг тинқасини қуритганини, юрт равнақда анча оқсаб қолганини билан баҳоланса тўғри бўлади. Тақдир тақозоси билан айнан шу йилларда нафақат бизнинг, балки жаҳон халқлари тарихида юксак мақом касб этган икки буюк шахс - Амир Темур ва Сароймулкхоним дунёга келганлар.

Мавжуд барча адабиётларда¹ Сароймулкхоним тутилган сана сифатида 1341 йил эътироф этиб келинган. Бунда Абдуразвоқ Самарқандийнинг (1413-1482), Қозон султон ўлими юз берган йилда (747/1347) унинг қизи Сароймулкхоним беш ёшда эди, гувоҳлиги асос қилиб олинган². Бошқача айтганда, мазкур маълумот шу чоққача ягона ҳисобланиб келинган. Бироқ яна бир мўътабар тарихчилардан Ҳофиз

¹ Қаранг: Файзиёв Т. Темурийлар шажараси. 1995. 54-бет; Барғольд В. В. Сочинения. II (2). 1964. С. 47 ва бошқалар.

Абру (1430 йили вафот этган) ушбу масалда ўзгача далолат қолдирган. Чунончи, у 747/1347 йил воқеалари ҳақида сўз юритиб, «Сароймулкхоним мазкур санда ўн ёшга тўлган эли», деб ёзали¹. Бир оз юқорироқда ушбу йил воқеалари баёнига киришар экан, муаллиф «шу йилда соҳибқирон Амир Темур кўрагоннинг муборак ёши ўндан ўтган эли», дея алоҳида таъкидлаб ҳам қўяди². Демак, Ҳофиз Абрuga кўра, 747 ҳижрий йилда Амир Темур ўн ёшдан ўтиб ўн бирга қadam кўйган, Сароймулкхоним эса энди ўн ёшга тўлган бўлган. Бундан чиқди. Сароймулкхонимнинг таваллуд санаси 737/1337 йилга тўри келади.

Ҳофиз Абру тувоҳликларининг Абдураззоқ Самарқандий қолдирган маълумотлардан ишончлироқ эканига эса шубҳа қилмасам ҳам бўлади. Зеро, биринчидан, Ҳофиз Абру Амир Темурнинг замондоши бўлган. Абдураззоқ Самарқандий эса ўз фаолиятини XV асрнинг 40-йилларига бориб бошлаган³. Иккинчидан, Абдураззоқ Самарқандийнинг Сароймулкхоним таваллудига оид зикр этилган маълумотлари ҳам ақс этган, 1467-1469 йилларда битилган «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилши жойи») асарининг 1427 йилга қадар бўлган воқеаларга багишланган қисми тўлалигича айнан Ҳофиз Абрунинг 1423-1425 йилларда битилган «Зубдат ат-таворих» («Тарихларнинг сараси») асарига суяниб ёзилгани ҳам маълум⁴. Хулоса қилганда, Амир Темур ва Сароймулкхоним ёшлари орасидаги фарқ бир йилни ташкил этади.

Сароймулкхоним Қозон султоннинг⁵ амир Мусабекнинг эгачиси⁶ билан никоҳидан туғилган. Қозон султон 14 йил (733/

¹ Сочинения. II (2). С.47.

² Nizāmiddīn Sāmī. Zafarāme. Praha, 1956. v.II, p.9.

³ Ушга жойда, 8-бет.

⁴ Қаранс: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 1969. 14-18-бетлар.

⁵ Ушга жойда, 6-7-бетлар.

⁶ Ҳофиз Абру буйича: Қозон султон б. Малик Темур б. Туқан Темур б. Қидоқи Сижон б. Бўри б. Маногокун б. Чингай б. Чингизхон (Zafarāme. v.II, p. 6.); Нигомилдин Шомий буйича: Қозон султон б. Ясауур (Zafarāme. v.I, p.13.); Шарафиддин Али Язвий буйича: Қозон султон б. Ясауур (Шарафиддин Али Язвий. Зафарнома. 1972. 916-918-барақ); Муъинилдин Натанвий буйича: Қозон султон б. Жингаши султон б. Дува б. Қайду Сижон (Муъинилдин Натанвий. Мунтахаб ат-таворих. Теҳрон.1336 (х). 106,112-113-бетлар).

⁷ Зафарнома. 1456-барақ.

1333-747/1347) Мовароуннаҳр тахтини бошқарган чингизий намоёндаларландир⁹. Мазкур йиллар давомида у Қарохожадан (Шарқий Туркистон) Данти қинчоққача, Хуросондан Сиёд дараёсига қалар бўлган ҳудудни ўз қўли остига бирлаштиришига эришган¹⁰. Ўша замон тарихчилари гувоҳлик беришларича, Қозон султони шу даражада мутақаббир ва қаҳри қаттиқ ҳукмдор бўлганки, бирон бир киши унинг ҳузурига арз билан келишига кўрққан. Чунки тазаби тутиб турган дамларда арз-юд билан бош уриб келганларнинг ҳар иккисини - арзини ҳам, айбдорни ҳам жазога тортиб юборини ҳеч гап эмас экан. Шунинг учун бўлса керак, Қозон султони талаби билан қароргоҳга чақирилган амирлар ҳар ҳатимолга қарши яқинлари билан видолашиб, кейин йўлга чиқар эканлар¹¹.

Бундай сиёсат 746/1346 йили нуфузли амирлардан Қазагон ва Қозон султони ўртасида нифоқ чиқинишига олиб келди. Ҳукмдор ва маҳаллий амирлар орасидаги тараф муносабатлардан яхши хабардор амир Қазагон уларнинг баъзиларини ўзига олдирга бошлади¹². Аммо Чингизхон ўрнатиб кетган тахт ворисини қонунқондаларига қаттиқ риоя қиладиган мутул амирлари, умуман рози бўлган ҳолда, Қозон султонни тахдан алдарин талбирнига чингизийлар хондонидан бир пешво зарурлигини шарт қилиб қўйганлар. Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, амир Қазагон шундай вакилни топди ҳам - бу Донишмандча б. Ҳиндухон б. Бўрихон б. Машиқ б. Ўқтой б. Чингизхон¹³.

Шундан сўнг 746/1346 йили Сурхон воҳасинини Дарайи занг қишлоғи яқинидаги ялангликда икки томон ўртасидаги биринчи тўқнашув юз берди. Бу сафар Қозон султоннинг қўли баланд келиб, амир Қазагон кўздан яраланган ҳолда чекинишига мажбур

⁹ Ўша жойда, 916-барақ; Муъиниддин Натанвий бўйича 17 йил (Мунтахаб ат-таворих, 113-бет).

¹⁰ Zafarname, v. II, p. 6; Мунтахаб ат-таворих, 199-бет.

¹¹ Zafarname, v. II, p. 6; Мунтахаб ат-таворих, 113-бет; Зафарнома, 916-барақ.

¹² Зафарнома, 916-барақ; Мунтахаб ат-таворих, 199-бет; Хофиз Абрунинг ёзишича, Қазагон мамлакат амирлари билан яккама-якка учраниб, агар бугун бирлашмасак, эртанга Қозон султон ҳар биримизни бирма-бир йўқ қилди, дея уларни ўз атрофига тунлай бошлаган (Zafarname, v. II, p. 7).

¹³ Zafarname, v. II, p. 7; Муъиниддин Натанвий бўйича: Донишмандча б. Живкаши (Мунтахаб ат-таворих, 113-бет).

бўлади. Хукмдор қишни ўтказиш учун Қаршини таллайди. Шу йили қиш жуда қаттиқ келиб, Қозон султон лашкаридаги кўнлаб от-уловлар нобуд бўлганидан хабар топган амир Қазагон фурсатни кўлдан бермай 747/1347 йили Қаршига юзланади ва Қозон султон лашкарини мағлۇб этиб, ўзини ўлдиради. Хукмдорнинг умр йўлдоши Турмуш хотун амир Муҳаммадхожа ҳарамига ўтади, қизи Сароймулкхоним эса айтилганидек, бу вақтда ўн ёшда эди¹⁴.

Шу воқеалардан сўнг то 771/1370 йилга қадар Сароймулкхонимнинг тақдири қандай кечгани борасида маълумотлар ҳозирча ихтиёримизда йўқ. Мазкур йилда Амир Темурнинг Балхни забт этиб, рақиби амир Ҳусайини узил-кесил енгизиши билан боғлиқ воқеалар баёнида соҳибқироннинг «амир Ҳусайн хотинларидан Қозон султоннинг қизи Сароймулкхоним, Баён сулдузининг¹⁵ қизи Улус Ого, Хизр ясавурийнинг¹⁶ қизи Ислом Ого ҳамда Тағой Туркон хотунини» ўз ҳарамига олгани ҳақида айтилган¹⁷. Демак, ўтган йиллар орасида амир Қазагоннинг набираси амир Ҳусайн б. Мусалло Сароймулкхонимга уйланган бўлган. Мазкур никоҳдан фарзандлар бўлгани ё йўқлиги ҳақида ҳам биз билган манбаларда маълумот учрамайди. Аммо амир Ҳусайиннинг Хонд Саъид, Наврўз Султон¹⁸, Жаҳон Малик ва Халия Султон¹⁹ номли ўғиллари, бир қизи²⁰ бўлгани маълум²¹. Бироқ уларнинг оналари кимлиги ҳақида аниқлик йўқ.

1404 йили Самарқандда бўлиб ўтган тадбирлардан бирида Сароймулкхонимни кузатиш имконига эга бўлган испаниялик элчи Рун Гонсалес де Клавихо уни шундай таърифлайди:

¹⁴ Zafarname. v. II, pp. 8-9; Зафарнома. 91б-варақ; Мунтахаб ат-таворих. 113-199-бетлар.

¹⁵ Баён сулдуз - XIV асрнинг 50-йиллари охирида Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга оладиган йирик амир. 763/1362 йили Муғлистон хукмдори Туғлуқ Темурхон томонидан қатл этирилган (Зафарнома. 100 а-варақ).

¹⁶ Хизр ясавурий - XIV асрнинг 50-60- йилларида Мовароуннаҳрдаги йирик амирлардан бири. 767/1366 йили марҳум сифатига тилга олинган (Зафарнома. 115б-варақ).

¹⁷ Зафарнома. 139 а-варақ.

¹⁸ Хонд Саъид, Наврўз Султон 1370 йили Балх жангида ўлдирилган (Зафарнома. 139 а-варақ).

¹⁹ Жаҳон Малик ва Халия Султон 1370 йили Ҳиндистонга қочиб, ўша ерларда дом-варакен бўлиб кетганлар (Зафарнома. 139а-варақ).

²⁰ Амир Темур ҳарбийларидан Тобон баҳолирининг укаси Элчи Буго никоҳига кирган (Зафарнома. 139 а-варақ).

²¹ Зафарнома. 139а-варақ; Zafarname. v. I, p. 60.

«(Сароймулкхоним) зарбоп, узун, этаклари кенгайиб бориб ерни ўпадиган, енгсиз қизил ипак кўйлақда эди. Унинг эгагини ўн беш нафар аёл кўтариб келарди. Ёгуна билан пардозланган юзи қоғоздек оппоқ эди. (Бу мамлакатдаги) барча аслзода аёллар ёз ё қиш ойларида йўлга отланганларида ҳамда (умуман) куёш нурларидан сақланиш учун ушбу ёгунани юзларига суриб юрадилар. Сароймулкхонимнинг юзи оппоқ ҳарир тўр билан тўсилган, бошига эса қизил матодан қалпоқ кийган бўлиб, ундан елкасига ёпингич тушиб турарди. Қалпоқ шаклан баланд, жуда кўплаб йирик, ярқираб турувчи, чиройли халқаланган думалоқ марварид, талайгина ёқут, феруза ва бошқа турли-туман қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди. Сароймулкхоним елкасидаги ёпингич зардан тўқилган бўлиб, қалпоқнинг чўққисидан кўплаб қимматбаҳо тошлар ва катта марварид билан зийнатланган тож кўрк бағишлар, учига эса ёрқин, ва ниҳоятда гўзал, икки бармоқ қалинлигидаги ёқутдан учтаси ўрнатилган эди. Уларнинг орасига маҳкамланган тирсак узунлигидаги жиганинг парларидан баъзилари пастга эгилиб турарди. Ушбу парлар учига парпопуқлар қимматбаҳо тошлар ва марварид билан безатилган тилла чилвир билан бир-бирига боғланганди. Сароймулкхонимнинг қоп-қора сочлари елкасига тушиб турарди. Унинг бошидаги қалпогини кўплаб аслзода аёллар қўллари билан тутиб турардилар. Ҳаммаси бўлиб Сароймулкхонимни тахминан уч юз нафар аёл кузатиб келарди»²². Мана шундай салобат билан Сароймулкхоним Амир Темур ҳузурига кириб келади ва ҳукмдор ёнидан бир оз пастроқдаги тахтдан жой олади. Шундан сўнг, деб ёзади Клавихо, Тўкалхоним ва бошқа маликалар ҳозир бўлдилар ва ўз мавқеларига яраша қуйироқдаги жойларни эгалладилар²³. Демак, Сароймулкхоним Амир Темур ҳарамининг бош бекаси (Бибихоним), саройдаги катта нуфузга эга шахс бўлган.

²² Рун Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). 1990. С. 125-126.

²³ Ўша жойда. 126-бет; Тўкалхоним Мугулистон хони Хизрхожа Ўғлоннинг қизи бўлиб, Амир Темур унга 799/1397 йили уйланган. Соҳибқирон ҳарамини ҳақида батафсил қаранг: Темурийлар шажараси. 61-62-бетлар.

Бибихоним ҳақида сўз кетганда, оммабоп адабиётларда кўпроқ унинг меъморчилик, ободончилик соҳаларидаги фаолиятига ургу бериш одат тусига кирган. Ҳақиқатан ҳам Амир Темур давлатимизни бошқарган давр нафақат бизнинг халқимиз, балки Шарқ мамлакатлари тарихида ҳам кўплаб бунёдкорлик, ободончилик ишлари амалга оширилгани билан ажралиб туради. Мазкур жараёнда Сароймулкхонимнинг ҳам ҳиссаи бўлган. Чунончи, Самарқандда унинг саъй-ҳаракатлари билан олий даражадаги бино - мадраса қурилган²⁴. Унда кўплаб илм толиблари таҳсил олиб, маърифатли бўлганлар. Гарчи манбаларда Сароймулкхонимнинг меъморчилик ва ободончилик соҳасидаги фаолиятига оид бошқа маълумотлар келтирилмасда, бироқ унинг бу борала амалга оширган катта-кичик савобли ишлари кўплаб бўлганига шубҳа қилмасда ҳам бўлади. Шу билан бирга тарихий асарлар таҳинли Бибихонимнинг, энг аввало, давлат, мамлакат, сулола ишларида, ташқи сиёсатда катта ўрин тутганини исботлайди.

Сароймулкхоним фаолиятининг бир томони Амир Темур фарзандлари ва набираларининг тарбияси билан боғлиқ бўлган. Манбалардан маълумки, соҳибқирон ўз авлодлари тарбиясини туққан оналарига эмас, балки ўз ҳарами соҳибаларига юклаган. Бунинг сабабини шаҳзодаларнинг оналари бағрида эркатой бўлиб катта бўлишлари, ҳар бири ўз онаси уругига меҳр қўйишининг олдини олиш, умуман, Амир Темурнинг сулола ёш авлоди тарбиясига жиддий қарагани орқали тушунтириш мумкин. Соҳибқирон ҳарами бекаларининг у ёки бу шаҳзода тарбиясига масъул этилганини кўрсатувчи илк гувоҳликлар 789/1387 йилга тегишлидир. Чунончи, ушбу санада Сароймулкхоним, Амир Темурнинг ўн яшар ўгли Шохрух ва уч яшар набираси Халил Султон Самарқанддан Шимолий Озарбайжонга, яъни соҳибқироннинг сафардаги қароргоҳига етиб келганликлари айтиб ўтилган²⁵. 794/

²⁴ *Батафсил қаранг*. Зафарнома. 4576, 4656, 466а варақлар: И б н А р а б ш о ҳ. Амир Темур тарихи. 1-китоб. 1992. 314-315-бетлар; Темурийлар шажараси. 56-58-бетлар.

²⁵ Зафарнома. 1846 варақ; *Халил Султон* (1384-1411) - Мироншоҳ (1366-1408) ўгли.

1392 йилда Эрон юришига отланган Амир Темур Бухоро атрофида етгач Самарқанддан Сароймулкхоним ва бошқа яқинларини чақиртирганда, бу сафар маликага Туман Ого, Султон Бахтбегим, Шоҳрух ва бошқалар ҳамроҳлик қилганларини кўрамиз²⁶. Шоҳрух яна бир неча бор Сароймулкхоним билан бирга сафарларда бўлган. Ушбу омил сабаб бўлибми, баъзи бир олимлар Шоҳрухни Сароймулкхонимнинг ўғли бўлган, деган хулосагача борганлар²⁷. Ваҳоланки, Шоҳрухнинг онаси қарохитой қавмига мансуб (юқорида тилга олинган) Тағой Туркон бўлиб, Хондамир бу маълумотни Шоҳрух ҳукмронлиги даврида битилган насбномадан олиб ёзган²⁸. Яъни бу борада масала равшан. Биз эса бошқа бир фикрга диққатни қаратмоқчимиз.

Манбалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, сўз кетаётган даврда давлат бошқаруви, хусусан, раъсий маросимлар, сулолавий ички муносабатлар тартиби аниқ йўлга қўйилган. Ушбу анъаналарнинг баъзилари ўтган асрлар давомида шаклланиб келгани ҳам табиий. Шу билан бирга давлат ва сулола бошқарувидаги қонун-қоидаларни бир измга солишда шахсан Амир Темурнинг хизмати бўлгани ҳам аниқ. Жумладан, сулола вакилларино муносабатлар тартибларини белгилашда ҳам. Чунончи, кўрилатган мавзудан келиб чиқилса, маликалар ва шаҳзодалар ўртасидаги муносабатларни йўлга солиш ҳам Амир Темур диққат марказида эди. Масалан, 795/1392 йили Мазондоронни бутунлай қўлга киритган соҳибқирон Самарқандга фатҳнома юбориб, бу вақтда пойтахтда истиқомат қиладиган яқинларини ҳузурига чорлайди. Мазкур номада кимлар Амир Темур олдида бориши кераклиги аниқ ёзилган: Шоҳрух, Халил Султон, Рустам Султон, Султон Ҳусайн, Биги Султон, Сароймулкхоним,

²⁶ Зафарнома, 2256-варақ; *Туман Ого* - амир Мусабекнинг қизи, демак, Сароймулкхонимнинг жияни. 1366 йили туپилган, соҳибқирон никоҳида 1378 йили кирган. Ибн Арабшоҳ гувоҳлик беришича, у 840/1436-37 йили хали ҳаёт бўлган; *Султон Бахтбегим* - Амир Темурнинг иккинчи қизи, 1430 йилда вафот этган.

²⁷ Масалан, Bretschneider E. Mediaeval researches from Eastern asiatic sources. London, 1888(2d ed.,1910), Vol.II, p.257.

²⁸ Хондамир. Ҳабиб-ас-сияр. 3-жилд. Техрон, 1362 (х). 541-542-бетлар.

Туман Ого ва ҳарамининг бошқа вакиллари²⁹. Худди шунингдек, Сароймулкхонимнинг салтанатнинг бирон бир бурчагига у ёки бу юмуш, сабаб билан амалга оширган сафари Амир Темур фармониға кўра бўлган³⁰. XIV аср 90-йилларининг ўрталаригача бўлган, даврдаги ушбу сафарларда Сароймулкхонимға ҳамроҳлик қилганлардан, асосан Туман Ого, Чўлпонмулк Ого, Шоҳрух, Пир Муҳаммад, Халил Султон номлари тилға олинади³¹. Кейинги йиллардан бошлаб эса Улугбек Сароймулкхонимнинг доимий ҳамроҳиға айланади. Хулоса қилганда, ҳарам бекалари, ёш шаҳзодаларнинг у ёки бу тadbирда, жумладан, сафарларда иштироки масаласи шахсан соҳибқироннинг ихтиёри билан тартибға солинган.

Сулола ички ҳаётида, хусусан, теуурийлар хонадонида фарзанд дунёға келиши хабарини Амир Теуурға етказиш тартиби ҳам аниқ йўлга қўйилганини ҳам таъкидламоқ керак. Чунончи, 796/1394 йили аввал Улугбекнинг, беш ой ўтиб эса Иброҳим Султоннинг туғилганлиги ҳақидаги хабарларни соҳибқиронға айнан Сароймулкхоним йўзлагани маълум. Уларнинг иккови ҳам Шоҳрухнинг фарзандлари бўлиб, биринчисининг онаси Гавҳаршодбегим (861/1457 йили ўлдирилган), иккинчисиники эса Тўти хотун эди. Ҳар икки малика ҳомиладорлик ойларини Сароймулкхоним яқинида ўтказган бўлсаларда, Амир Теуур Улугбек гарбиясини Сароймулкхонимға, Иброҳим Султон нарваринини Туман Огоға юклайди³². Аммо Сароймулкхонимнинг жияни

²⁹ Зафарнома, 229 а варақ; *Рустам Султон* (1381-1424) - Умаршайх (1354-1376) ўғли; *Султон Дусат* (1380-1405) - Амир Теуурунинг қизи Ўғи Бегихоним (1382 йили вафот этган) ва амир Мусабекнинг ўғли Муҳаммадбек никоҳидан туғилган; *Биги Султон* - Мироншоҳнинг қизи бўлиб, 799/1397 йили Умаршайх ўғли Исқандар Мирзоға (1384-1415) турмушга чиққан. Ўзини боғиши нуздакки, никоҳ маросимини Амир Теуурунинг Хизроҳжа Ўғлон қизи Тўкалхонимни расман ўз ҳарамига олдини бағишлаган тапталалар бўлиб ўтган кунларда рўй берган. Соҳибқироннинг Биғи Султонга алоҳида рағбати бўлганини вазоинини элуви воқеа шундан иборатки, Амир Теуурунинг буйруғи билан Боғи Шимолда Биғи Султон номига аталган олининион қаср бино этилган (*қаранг*: Зафарнома, 289 а, 293 а варақлар).

³⁰ *Қаранг*: Зафарнома, 243а, 269б, 271б ва бошқа варақлар.

³¹ Зафарнома, 184б, 225б ва бошқа варақлар. *Чўлпонмулк Ого* - Ҳожибек мутулунинг қизи, Амир Теуурунинг эни тўғал хотинларидан бири; *Пир Муҳаммад* (1376-1407) - Жаҳоншир (1356-1376) ўғли.

³² Зафарнома, 257а, 266а, 268б варақлар; *Zafarnāme*, V.1.p.150.

фатида Туман Ого кўн вақтини аммасининг ёшида ўтказарди, яъни ҳар томонлама бепи маънавий таъсирини эди³³. Буни кейинги йилларда рўй берган қатор талбирлар, сафарлар чоғида Сароймулкхонимга Туман Ого, Улутбекнинг ҳамроҳ бўлганликлари кўрсатиб туради³⁴. Нафақат теуриқлар хонадони, умуман ўзбек давлатчилиги тарихидаги энг таҳликали ва мураккаб кунларда - Амир Темур вафоти (1405 йил) юз берган ва шундан кейин тахт учун кураш бошланган кезларда ҳам Сароймулкхоним ва Улутбек бирга бўлганликлари маънавияда ўз аксини тошган. Чунинчи, улар Ўттордан Самарқанд томон юлга чиқадилар. Аинан пойтахт атрофида Сароймулкхоним сўнгги ўн бир йил давомида кўз қорачиғидаги асраб келган Улутбек билан ажралишига мажбур бўлади. Шаҳода бир неча амирлар билан Бухорога юзлавади. Бопи малика эса Самарқандда қолади³⁵.

Теуриқнослар Амир Теуриқнинг Сароймулкхонимга уйланишини соҳибқироннинг сиёсий мулжали орқали тушунириб келадилар. Яъни чингизий хонадон вакили Қозон султонга куёв гўтиниши орқали «Чингизий улуси»ни бошқаришга ҳақли экинчи мустақамлаш маъносида. Ўша замонда маъжуд сиёсий вазият ва мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ушбу ёндошушни инкор этмасдан Амир Теуриқ ва Сароймулкхоним муносабатларида алоҳида бир илиқлик бўлганини ҳам таъкидлаш лозим. Агар мақсад фақат чингизий хонадонга куёв бўлиш билан чекланганда эди, ўз вақтида амир Хусайн ҳарамининг баъзи вакилларини ўз никоҳига олган соҳибқирон амир Хусайннинг бошқа бир хотини - чингизий Тармаширихоннинг³⁶ қизи Севинч Қутлуқ Оғони Баҳром жалойирга³⁷ тортиқ этиб юбормаган бўларди³⁸. Бошқача айтганда, Амир Теуриқ ва Сароймулкхоним

³³ Қаранг: Зафарнома, 243а, 269б, 271а, 344а ва бошқа варақлар.

³⁴ Ўша жойда, 303а, 345а, 365а, 399а, 402б ва бошқа варақлар.

³⁵ Ўша жойда, 477а, 484а варақлар.

³⁶ Тармаширихон - 1326 -1334 йилларда Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган чингизийлардан.

³⁷ Баҳром жалойир - XIV асрнинг 50-70- йилларида Мовароуннаҳрнинг нуфусли амирларидан бири, 772/1371-776/1375 йиллар оралигида вафот этган (Зафарнома, 144б, 151а варақлар).

³⁸ Зафарнома, 139а варақ.

муносабатларида ўзаро ҳурмат, ишонч, бир-бировина суяниш, меҳр устувор бўлган, десак тўғри бўлади. Бунинг неботини шундан ҳам билса бўладики, уттиз беш йиллик ҳукмронини давомида салтанат юмушлари, қатгдан-қатта бунёдкорлик ишлари, ҳарбий фаолият билан машғул бўлган соҳибқирон бир неча марта олдий инсонлар каби бетоб бўлган кезларда у, аввало, Сароймулкхонимга муҳтожлик сезган. Масалан, 795/1392 йилнинг ёзида Бухоро атрофида қароргоҳ тугган Амир Темур касал бўлиб қолади. Шунда у Сароймулкхоним ва қизи Султон Бахтбегимни етказиб келишни буюрган экан³⁹. Ё бўлмаса, Язда Сароймулкхоним учун бир неча харвор асл малолардан харид этилиши⁴⁰, Испания қироли юборган совғалардан ўзига энг мақбул келганини Амир Темур бош маликага тақдим қилиши⁴¹, соҳибқирон жон бераётган даҳларда Сароймулкхонимнинг унинг ёзида бўлиши⁴² ва яна қатор, маъбаларга тушмаган, аммо ҳеч бир шубҳасиз мавжуд бўлган ҳолатлар улар ўртасидаги алоҳида илиқликни намоён этади, албатта.

Сароймулкхонимнинг давлат бошқаруви, даргоҳ ҳаёти билан боғлиқ фаолиятига тўхталганда, бир неча жиҳатлар кўзга ташланди. Давлат ва мамлакат идорасига оид қурултой, кенган ишларида тўғридан-тўғри қатнашиш ҳуқуқи бўлмаган ҳолда Сароймулкхоним у ёки бу масала юзасидан Амир Темурга ёзма тарзда мурожаат этиш имконига эга бирдан-бир шахслардан эди. Одатда, хаг билан давлат бошлиғига мурожаат этиш фақат чет эллик ҳукмдорларга мумкинлиги ва табиийлигини инобатга олсак, Сароймулкхонимнинг саройдаги мавқеи нақадар юксак бўлганлигини идрок этиш қийинмас. Шу маънода куйидаги мисол диққатга сазовордир. Амир Темур даъвати билан 795/1392 йили унинг ҳузурига йўлга отланган Сароймулкхоним бошлиқ шахзодалар Қаршига етганларида маълум муддат ушланиб қоладилар. Шунда «Сароймулкхоним ҳазрат

³⁹ Зафарнома, v.I, p. 126; Зафарнома, 225б varaқ.

⁴⁰ Зафарнома, 284б varaқ; *Харвор* - тахминан 300 кг атрофидаги отирлик ўлчови.

⁴¹ Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура, С.111.

⁴² Зафарнома, 471б varaқ.

сисоҳибқиронга барча фарзандларнинг саломатлиги ва мавжуд аҳвол баёнидан иборат мактуб ёздиким, (унда шундай дейилади): олий ҳукм етиб келиши биланоқ, буюрилганидек тезда йўлга отландик. Қаршига етганимизда ҳаракатда илдамроқ бўлишимиз борасидаги кўрсатмангизни олдик. Лекин салтанатингиз нури дийдаси Шоҳрухнинг кўзи шамоллаб қолгани сабаб шошилишнинг ҳеч бир иложи бўлмади. Алҳамдидуллоҳ, касаллик бутунлай соғайиш йўлини тутган бу замонда шитоб билан (ҳаракат қилиб) тезда етиб боргаймиз»⁴³.

Сароймулкхонимнинг обрў-эътибори, Амир Темурнинг унга ҳурмати ўз-ўзидан бош маликанинг бошқарув ишларидаги ўрнини табиий ва, таъбир жоиз бўлса, мажбурий қилиб қўйганди. Шаҳзодалар, амирлар у ёки бу масалада Амир Темурга мурожаат этишда Сароймулкхоним омилидан фойдаланишга ҳаракат қилардилар. Бунга биз қуйидаги воқеа орқали ҳам шоҳид бўлишимиз мумкин. Салтанатнинг шимоли-ғарбий Эрон, Ироқ ва Кавказorti қисмини 795/1393 йилдан бошқарган Мироншоҳ аср охирига келиб баъзи ўзбошимчаликлари учун Амир Темур газабига учрайди ва лавозимидан маҳрум этилади⁴⁴. 806/1404 йили Қазвин атрофида тўхтаган Амир Темур хузурига Бағдод бошқаруви зиммасида бўлган Абу Бакр (1382-1409) келади ва Сароймулкхоним, амир Шайх Нуриддиндан отаси Мироншоҳни ўзи билан Бағдодга олиб кетиши учун соҳибқирондан ружсат олиб беришларини илтимос қилади. Сароймулкхоним ва Шайх Нуриддин Амир Темурга мурожаат қилиб, ушбу масалада уни кўндиришга муваффақ бўладилар⁴⁵. Сароймулкхонимнинг мавқеи унинг фақатгина Амир Темурнинг хотини, давлатнинг бош маликаси бўлганлиги билангина белгиланмаган. Чунончи, Амир Темур ўлиmidан сўнг юзага келган

⁴³ Уша жойда, 230а-варақ.

⁴⁴ *Батафсил қаранг:* Темурийлар шажараси, 165-169-бетлар.

⁴⁵ Зафарнома, 451а-варақ; *Шайх Нуриддин б. Сор Буто* - Амир Темур даври нуфузли амирларидан бўлиб, 1411 йили ўлдирилган (*Батафсил қаранг:* Х о ф и з и А б р у. Зубдат ат-таворих. Тегрон, 1372 (ҳ), I-жилд, 421-433-бетлар).

мураккаб вазиятда қандай иш тутиш борасида Сароймулкхоним, амир Шайх Нуриддин ва бошқа амирлар кенгаш қилганлари маълум⁴⁶. Бундан чиқди, Сароймулкхонимнинг амирларга ҳам таъсири кучли бўлган, соҳибқирон эътиמוד қўйган арбобларни ишга сола билган.

Бош маликанинг, соҳибқирон қўл остидаги забардаст амирлардан ташқари, чет эллик сиёсатчилар билан ҳам тил топа билиш қобилияти бўлганини биламиз. Шу маънода 796/1394-798/1396 йилларда Амир Темур буйруғи билан Султонияда тутқинликда бўлган Мордин ҳукмдори Султон Исо тақдирида Сароймулкхоним тутган ўрин алоҳида диққатга сазовардир⁴⁷. Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича, 797/1395 йили Сароймулкхоним Султонияга ташриф буюриб, Султон Исони ҳузурига чорлайди. Бўлиб ўтган мулоқот давомида бош малика унга соҳибқиронга сидқидилдан хизмат қилиши борасида панду насихатлар беради ва, хамир учидан патир, деганларидек Султон Исога ватандошлари, юртида қолган жамоаси билан ёзишмалар олиб боришига рухсат (!) ҳам беради⁴⁸. Балким бу ерда, Ибн Арабшоҳ ишора қилганидек, Амир Темурнинг олдиндан ўйланган бир режаси ҳам мавжуд бўлгани мумкиндир⁴⁹. Аммо ушбу гумон тўғри бўлган тақдирда ҳам, уни амалга оширишни соҳибқирон айнан Сароймулкхонимга ишонинининг ўзиёқ бош малика салохиятига берилган юксак баҳони яна бир бор тасдиқлайди, холос. Бибихонимнинг хориж давлатлар вакиллари билан ҳам бемалол мулоқотда бўла олиш қобилиятини ва ҳуқуқини ўз мисолида сицаб кўрган испаниялик элчи Клавихо ёзишича, унинг май ичмаслигини эшитган Сароймулкхоним элчини ҳузурига чақириб, узоқ вақт ушбу масалада у билан баҳс юритган экан⁵⁰.

⁴⁶ Зафарнома. 481а varaқ.

⁴⁷ Султон Исонинг тутқинликка тушини гафислотлари ҳақида қаранг: Зафарнома. 253а-255а varaқлар.

⁴⁸ Амир Темур тарихи. 1-китоб. 143-бет.

⁴⁹ Уша жойда.

⁵⁰ Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура. С.120.

Евроцентризм намояндалари умуман Шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқи сиёсий тарихини, асосан уруш-талашлар ва қон тўкилишлардан иборат тарзда баён этишга ружу қўйганлари маълум. Ваҳоланки, ҳар қандай халқ, сулола, сиёсатчи, арбобларга хос бўлганидек, ўзбек давлатчилиги тарихида ҳам инсон кўнгли, ҳиссий кечинмалари, ишқ-муҳаббатга алоқадор саҳифалар ҳам етарлидир. Темурийлар хонадони ҳам бундан мустасно эмасди. Гарчи ўша замонларда битилган тарихий асарларда ёрқин ва алоҳида таърифланмаган бўлсада, аммо мавжуд қуруқ маълумотлар Халил Султон ва Шодмулк ўртасида ишқий саргузашт бўлиб ўтганидан далолат беради. Халил Султон аввалига амирзода Алининг қизи Жаҳон Султонга уйланган бўлиб, ўз ўрнида амирзода Али Амир Темур опасининг ўғли эди⁵¹. Орандан вақт ўтиб, Халил Султоннинг ишқи амир Хожи Сайфиддиннинг⁵² собиқ канизақларидан Шодмуллка тушади ва соҳибқирон сафардалигидан фойдаланиб, ундан бесўроқ севгилисини ўз никоҳига олади. Кези келиб Жаҳон Султон бу ҳақда Амир Темурга арз қилганда, сулолавий тартиблар ва, демак, давлат қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиш талабгори бўлмиш ҳукмдор набирасининг бундай ўзбошимчалигидан газабга тушгани табиий. Хуллас, соҳибқирон Шодмулкни саройга олиб келишни буюради. Аммо иш нима билан тугашини яхши билган Халил Султон машуқасини яшириб қўяди. Қаҳр оловига мойдек қуйилган бу қадам Шодмулк қайда қўлга тушса, жойидаёқ йўқ қилинсин, олий фармони чиқишига сабаб бўлади. Орада Хитой юриши бошланиб, Амир Темур Оқсулотда бўлиб турганида, ушбу юришда иштирок этаётган Халил Султон ўз севгилисини ҳам пинҳона равишда бирга олиб кетаётганлиги маълум бўлади. Амир Темур амир Баротга Шодмулкни тутиб қатл этишни буюради⁵³. «Маҳди улё Сароймулкхонимнинг шаҳзода

⁵¹ Зафарнома, 4676-варақ.

⁵² *Хожи Сайфиддин* - Амир Темурнинг нуфузли амирларидан бири. 804/1401 йили вафот этган (Зафарнома, 397а-варақ).

⁵³ Ўша жойда, 468а-варақ.

(Халил Султон бошига тушадиган) изтиробдан қалби эзилиб, соҳибқироннинг ўз фарзандлари ва авлодига нисбатан муҳаббати ва қайғуриши зўрлигини билган ҳолда амир Шайх Нуриддин ва амир Шоҳ Маликни⁵⁴ четга тортиб (уларга) очигини айтади: «Салтанат устуги олий тахт (пойгоҳида туриб соҳибқиронга) арз қилинларким, ушбу аёл вужуди садафида шаҳзода камаридан насл олган дурдона яшириндур». Бу сўзлар (Амир Темур) ҳузурда ирод бўлгач, ишорат бўлдики, уни (яъни, Шодмулкни - А.З.) маҳди улё Туман Оғога топширеунлар. Ҳомиладан қутулгач, фарзандни муҳофизатга олиб, онасини эса хабаш гуломлардан бирига бериб юборсунлар»⁵⁵. Кўриниб турганидек, Сароймулкхоним зукколик ва ишбилармонлик билан Амир Темурга ҳам таъсир ўтказа олган. Аммо вақти келиб, агар Ибн Арабшоҳ қолдирган гувоҳликлар ҳақиқат бўлса, айнан Шодмулк қўли билан нобуд бўлишини бу вақтда Сароймулкхоним ҳаёлига келтирибди, дейсизми. Қисқа айтганда, Амир Темур вафотидан сўнг унинг васиятига хилоф тарзда Самарқанд тахтини эгаллаган Халил Султон кўп жиҳатдан маъшуқаси таъсирида қолган. 1408 йили худди шу Шодмулк Сароймулкхоним ва Тўкалхонимни заҳарлатиб ўлдиртирган⁵⁶. Шу тариқа нафақат ўзбек давлатчилиги, балки жаҳон халқлари тарихида алоҳида мақом касб этувчи давлат ва жамоат арбоби, илму маърифат ҳомийси, донишманд аёл, вафодор малика Сароймулкхоним фаолияти хотима топган.

⁵⁴ *Шоҳ Малик* - Амир Темурнинг энг ишончли ва нуфузли амирларидан бири. 1426 йили вафот этган (Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 343-344-бетлар).

⁵⁵ Зафарнома. 468 а варақ.

⁵⁶ Амир Темур тарихи. 2-китоб. 51-53, 83-бетлар.



ГАВҲАРШОДБЕГИМ

Темурийлар даври ўзбек давлатчилиги тарихида, умуман, XV аср Ўрта Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёрқин из қолдирган тарихий шахслардан бири, шубҳасиз, Гавҳаршодбегимдир. Сароймулкхоним даражасида бўлмасида, аммо ўз замонаси нуқтаи назаридан ҳукм қилганда у том маънода йирик давлат арбоби сифатида баҳолашниш ва қадрланишига лойиқдир.

Амир Темурнинг нуфузли ҳарбий лашкарбошиларидан Фиёсиддин тархоннинг қизи Гавҳаршодбегим туғилган сана аниқ эмас. Бироқ унинг умр йўлдоши Шоҳрухнинг ва ўгли Улуғбекнинг таваллуд саналарига (мутаносиб тарзда 1377 ва 1394 йиллар) қараб, Гавҳаршодбегим 1377-1380 йиллар оралигида дунёга келган, деб тахмин қилсак адашмаймиз.

Шарафиддин Али Яздий таъкидлашича, Фиёсиддин тархон ўз вақтида Чингизхон томонидан тархонлик мақоми берилган Қишлиқнинг авлодидир¹. Шу маънода чингизийлар ҳукмронлиги даврига оид мўъғабар тарихий асарлардаги баъзи маълумотлар диққатни тортмай қолмайди. Бошқа қабилаларни бўйсундириш ишини эндигина бошлаган кезлари - 599/1202-1203 йили Чингизхон ва керойит қабиласи сардори Ўнгхон ўртасида зиддият пайдо бўлади. Рақибини эрта саҳарда йўқ қилиш режасини

¹ Зафарнома. 1476-парақ.

тузган Ўнхон қароргоҳидан Чингизхон ҳузурига қочиб ўтган икки ўеширин бўлажак ҳужум ҳақида уни бохабар этади. Мазкур хабар обдон қўл келиб, Чингизхон рақибини енгади. Икки ўеширинни эса тархонлик мақоми билан сийлайди. Улардан бирининг номи Қишлиқ (Хишилик), иккинчисиники эса Бола (Бадай) бўлган². Демак, Фиёсиддин тархон шажараси мазкур Қишлиқ тархонга бориб тақаллади.

Гавҳарнодбегимнинг икки акаси - Али тархон, Ҳасан Суфи³ ва бир укаси - Муҳаммад Суфи ҳамда икки синглиси - Нигор Оғо, Саодат Султон бўлгани маълум⁴. Фиёсиддин тархон, Али тархоннинг тақдирлари қандай хотима топганлиги борасида маълумотлар ҳозирча ихтиёримизда йўқ. Сўнги бор Фиёсиддин тархон номи Амир Темурнинг Миер султонида қарши ҳарбий юриши (803/1400-1401) нигирокчиеси сифатида тилга олинади⁵. Али тархоннинг 817/1414 йили Шероз ҳокимлигига тайинланганидан кейинги фаолияти қандай кечгани бизга номасълум⁶. Ҳасан Суфи эса Шоҳрух (1405-1447) ҳукмронлиги йилларида олий девонда амрлик вазифасида фаолият кўрсатиб, 827/1424 йили вафот этади. Ҳиротдаги Гавҳарнодбегим мадрасаси ҳудудида дафн қилинганини, марҳумнинг лавозимига Шоҳрух унинг ўгли Меҳроб тархонни, яъни Гавҳарнодбегимнинг жиянини тайинлаганини биламиз⁷. Муҳаммад Суфига келсак, 861/1457 йили Ҳиротда тархон амрларига қарши уюштирилган оммавий қирғинда омон қолганидан кейинги тақдир борасидаги гувоҳликларга эга эмасмиз⁸.

² Муғулларнинг ҳуфия шажараси(қоқчи таржимаси). 1979, 79-80-бетлар; О д о в и д д и н О т а м а д л и қ Ж у в а й и н и й. Тарихи жаҳонгўнони Жувайний. 1-жилд. Тоҳрон, 1375 (х), 27-бет; Жувайний шурини узда *тархон* институтини қўндаларел тушунтирган; тархон шукким, барча шилмлардан озог олинган. Ҳарбий юришларда улар қўна қиринган ҳар қанча узда ўзларида қолган, исалан вақдлариде ҳеч бир итаи ва йўқловсиз олин зароҳда қириб бориш ҳуқуқига эга бўлган. Бу илтиселар уларнинг ҳуққиз алоқингача тарқалган.

³ Зафарнома, 290а-варак.

⁴ Уша жойда, 224б-варак.

⁵ Уша жойда, 380б-варак.

⁶ Зубдат ат-таворих, 1-жилд, 540-бет.

⁷ Зубдат ат-таворих, 2-жилд, 877-878-бетлар; Мағдан савлаин ва мажмаи бохраин, 331-332-бетлар.

⁸ Ҳабіб ас-савр, 4-жилд, 65-бет.

Амир Темур ҳукмронлиги илларида Гавҳаршодбегимнинг теурийлар сулоласи маликаларининг иккинчи авлоди сифатида фаол бўлганини кўрмаймиз. Ҳар ҳолда унинг номи Шарафиддин Али Яздий томонидан фақат бир мартагина, яъни 802/1399 йили Эрон сафарига отланган Амир Темур Балхдан ўтиб, Сарикқаминишга етганида Ҳиротдан унга пешвоз чиққан Шоҳрух, Маликат Оғо ва бошқалар қаторида тилга олинган, холос⁹. Шундан сўнг то Шоҳрух давлат бошқарувини қўлга олганига қадар бўлган давр мобайнида унинг фаолиятига оид бирон-бир маълумот учрамайди. Бу ҳам табиий. Зеро, бир томондан, мазкур замоннинг ўз бош маликаси - Сароймулкхоним омили мажуд бўлса, иккинчи томондан эса ёш, мавқе, тажриба, энг муҳими сиёсий вазият жиҳатидан Гавҳаршодбегим ошани ҳали олчи турмаганди.

Гавҳаршодбегимнинг Шоҳрухга қайси йили турмушга чиққани манбаларда аниқ кўрсатилмаган. 790/1388 йили Амир Темур Боги Бехештда катта дабдаба билан икки набираси - Жаҳонгирнинг ўғиллари Муҳаммад Султон (1376-1403), Пир Муҳаммад ва кенжа ўғли Шоҳрухни уйлантириб қўйганини билсакда¹⁰, аммо шу куни Шоҳрух никоҳига кирган маликанинг исми тилга олинмаган¹¹. Шу билан бирга Шоҳрух ва Гавҳаршодбегимнинг тўйлари айнан мазкур санала юз бергани эҳтимоли баланд. Зеро, Шарафиддин Али Яздий 794/1392 йилда Кониғилда амир Ҳожи Сайфиддин қизи Шоҳ Малик Оғонинг Мироншоҳ ўғли Абу Бакрга, Гавҳаршодбегимнинг икки синглиси - Нигор Оғо ва Саодат Султоннинг Умаршайх ўғиллари Пир Муҳаммад (1379-1410) ва Рустамга турмушга чиқишлари муносабати билан катта тўю тамошо бўлиб ўтганини ёзиб қолдирган¹². Бинобарин, улардан ёши улуғ Гавҳаршодбегимнинг никоҳ йили 1388 йилга тўғри келиши мантиқдидир.

⁹ Зафарнома, 351а varaқ.

¹⁰ Ушна жойда, 198а varaқ.

¹¹ Умумхисобда Шоҳрухнинг олти нафар хотини бўлгани маълум: Гавҳаршодбегим, Хизр Ўзгон Чигатой қизи Маликат Оғо (844/1441 йили вафот этган), Тўти хоғун Нурин муғул, Чаркас илчиғилон қизи Оқ Султон, Меҳрингор Ўзбек, Лалъ Тегин (*қarang*: John E. Woods, The Timurid dynasty. Papers on Inner Asia, №14, Bloomington, 1990, p.43).

¹² Зафарнома, 224б varaқ.

Гавҳаршодбегимнинг Шоҳрухдан уч ўли бўлган: Улуғбек, Бойсунгур, Муҳаммад Жўкий¹³. Ҳар учовига ҳам исми Амир Темур қўйган. Чунинчи, тўнғич ўлига ҳаммадорлик лаврини Гавҳаршодбегим Султония шаҳрида Сароймулкхоним назорати остида ўтказган. Шоҳрух оиласида фарзанд таваллуд тоғгани ҳақидаги хабарни ҳам соҳибқиронга Сароймулкхоним чопарлари етказган. Шаҳзода тарбиясини ҳам соҳибқирон бош маликага топширган. Ушбу воқеа юз берган 796/1394 йилда Амир Темур Мордун қалъасини қамалда тутиб турганида, янги набира дунёга келгани ҳақидаги хушхабар олинган, соҳибқирон қамалдагиларга омонлик бахш этганини ўша замон тарихчилари алоҳида урғулайдилар¹⁴. Амир Темур набирасига ўз отаси хоғирасига атаб Муҳаммад Тарагай деб ном қўяди¹⁵. Темуршунос олим Т.Файзи-ев талқинича, отасини бекарнинг улуғи сифатида эътироф қилган соҳибқирон набирасига ҳам улуғ бек, дея эркалитиб мурожат қилган ва шу важдан ҳам Муҳаммад Тарагай Улуғбек номи билан машҳур бўлиб кетган. Бойсунгур Мирзо 799/1397 йили, Муҳаммад Жўкий эса 804/1402 йили таваллуд тоғганлар. Муҳаммад Жўкий тарбиясини Амир Темур Хонзодабегимга юклаган¹⁶.

Гавҳаршодбегим нахси ҳам, тақдирини ҳам ўта мураккаблир. Бунинг сабабини Амир Темур ўлимидан сўнг темурийлар хонадонига юзага келган муносабатлар орқали тупунтириш мумкин. Кишилик тарихидаги энг улкан салтанатга асос солган Амир Темурдан қолган сиёсий, ижтимоий, ҳудудий меросини бир маромда бошқариш, ҳеч бўлмаганда сақлаш ишини соҳибқирон каби буюк шахсгина эплаши мумкин эди. Бундай шахс темурийлар сулоласида табиий равишда йўқ эди. Бу

¹³ Шунингдек, Гавҳаршодбегим Шоҳрухга уч қиз тутиб берган: Марям Султон Ого (845/1441 йили вафот этган), Саодат Султон Ого, Қулдуқ Туркон Ого.

¹⁴ Зафарнома, 257 а, б парақлар.

¹⁵ Ҳабиб ас-савр, 4-жилд, 20-бет.

¹⁶ Зафарнома, 290б, 402б парақлар. *Хонзодабегим* - Хоразм ҳукмдори Юсуф Суфийнинг укаси Оқ Суфийнинг Олтин Ўрда ҳукмдори Ўзбекхон (1312-1342) қизи Шукрбека билан никоҳдан тутилган, 775/1374 йили Амир Темур ўли Жаҳонгир никоҳига кирган. Шаҳзода ўлимидан сўнг Мироншоҳ ҳарамига ўтади. Бу воқеа қачон содир бўлгани ҳақида илтифотимизда аниқ маълумот бўлмаса-да, бироқ 786/1384 йилда Хонзодабегим Мироншоҳ хотини сифатида тилга олинганини биламиз (Зафарнома, 149а-150а, 175а парақлар).

биринчидан. Иккинчидан, салтанатнинг жанубий ва шарқий қисмларини ўз назоратига олган **Шоҳрух** ва **Мовароуннаҳр**га даввогарлик қилган **Халил Султон** ўртасида 1405–1409 йиллар давомида юз берган қарама-қаршилик давлатни ҳам, мамлакатни ҳам ичидан заифлаштириши турган гап эди. Ҳеч бир шубҳа йўқки, темурийлар сулоласининг, улар давлатимизни бошқарган йилларда шаклланган ижтимоий-сиёсий тизимнинг XV аср охирига келиб инқирозга мубтаъо бўлишининг асосий сабабларидан бири айнан шу омил билан боғлиқ бўлган. Зеро, айнан шу йилларда буюк салтанат пойдевори ilk бор дарз кетганди. Яъни салтанатнинг **Мовароуннаҳр** ва **Хуросону Эрон** каби икки қисмга бўлиниши мумкинлиги маълум бўлиб қолди. Кейинги асрлар буни исботлади, ҳолос. Ваҳоланки шу икки минтақани бир марказ остида бирлаштириш учун **Амир Темур** бутун умри ва кучини сарф этганди.

Бундан ташқари темурийлар ўртасидаги зиддиятлар ўз пайтида соҳибқироннинг катта куч-гайрати эвазига ғарбий йўналишларда қўлга киритилган ютуқлар илдизига ҳам болта урганди. Зеро, ички муаммолар билан банд давлатнинг ташқи манфаатларга қўли етмаслиги табиий ҳол эди.

Учинчидан, **Амир Темур** вафотидан кейинги дастлабки йилларда унинг ҳарами оғир синовларни бондан кечирган. **Шарафиддин Али Яздий** гувоҳлик беринишча, севгилиси **Шодмулк**нинг таъсирига берилган **Халил Султон** соҳибқироннинг хотинлари ва хос қанизакларини нуфузли амирлар, баҳодирларга тортиқ этади ва шу йўл билан уларни ўз томонига оғдирмоқчи бўлади¹⁷. Чунончи, **Туман Оғони** амир **Шайх Нуриддин** маҳрамлигига ўтказади¹⁸. Бу билан ҳам қониқмаган **Шодмулк Сарой-мулкхоним** ва **Тўкалхоним**ни заҳарлатиб ўлдиртирган¹⁹.

Мазкур уч омил устида алоҳида тўхталишимиздан мақсад, замонанинг мураккаблиги темурийлар сулоласининг сардори, давлат бошлиғи **Шоҳрух**нинг бош маликаси **Гавҳаршодбегим** қарашлари

¹⁷ Зафарнома, 489б варақ.

¹⁸ Ҳафизат-наворий, 1-жилд, 81-бет; Амир Темур тарихи, 2-китоб, 83-бет.

¹⁹ Амир Темур тарихи, 2-китоб, 83-бет.

ва фаолиятига бетаъсир ўтиши мумкинмаслигини таъкидлашдан иборатдир. Чунки, 1409 йили Самарқандни эгаллагач, тўрт-беш йиллик таънаффуздан сўнг яна бир бор Мовароуннаҳр, Хуросон, Эронни бир марказ остида бирлаштирган Шохрухнинг бундан бўёнги салкам қирқ йиллик фаолиятини Гавҳаршодбегимсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Гавҳаршодбегимга баҳо берган баъзи олимлар²⁰ Шохрух даврида давлатимизни аслида Гавҳаршодбегим, унинг ўғиллари, аъёнлари бошқарганлар, деган фикрни олға сурганлар. Аммо узил-кесил тарзда айтилган ушбу фикрни исботловчи бекаму кўст маълумот ва далиллارни келтириб ўтирмаганлар. Ушбу масала юзасидан баҳс очинимизга сабаб - Гавҳаршодбегимнинг давлат тизгинини қўлда тутгани борасидаги қараш ўз-ўзидан Шохрухнинг давлат арбоби, сиёсатчи сифатидаги мавқенини ерга урини билан баробардир. Бу эса ўз ўрнида «совет» тарихшунослигида атайин жорий қилинган ёндошув - ўзбек халқи тарихида, айниқса сиёсий, давлатчилик тарихидаги ёрқин шахсларни обрўсиз-лантиришнинг бир кўриниши бўлган, холос. Яъни Амир Темурга, теурий бобурийларнинг энг ёрқин вакили Акбарга (1556-1605) «саводсиз ҳукмдор» тамғаси урилганидек, Шохрухни бошқарув вазгинини хотини ва ўғилларига бериб қўйган уқувсиз ҳукмдор сифатида кўрсатини асосий мақсад бўлган. Гуёки, 1405-1447 йилларда Турон ва Эронни ўз ичига олган давлат бошқарувида унинг ўрни йўқдай. Шу билан бирга, қизини шундаки, юқорида тилга олинган бир ёқлама ёндошув тарафдорлари ҳеч бўлмаса Гавҳаршодбегим ё бошқаларнинг пешқадамлик фаолиятини «исботлаб» беролмаганлар. Афтидан, бундай қилолмасдилар ҳам. Зеро, ўша замон муътабар манбаларининг таълими шуни кўрсатадики, Гавҳаршодбегимнинг бошқарув ишларидаги фаолиги, асосан қирқинчи йилларнинг ўрталарига, яъни Шохрух анча қартайиб қолган замонга тўғри келади. Шулардан келиб чиққан ҳолда ҳамда Шохрух ҳаёти ва фаолиятига баҳо бериши

²⁰ Масалан, В.В.Бартольд (Сочинения. II (2). С.97,146) ва унга эргашган бошқа олимлар.

алоҳида галқикотни тақозо этишини назарда тутиб, қўйида Гавҳаршодбегим билан боғлиқ маълумотлар таҳрифга тўхтаганимиз.

Гавҳаршодбегим фаолиятини шартли равишда икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич XV асрнинг қирқинчи йилларигача, иккинчиси эса шундан кейинги, то маликанинг фожиявий ўлимигача бўлган даврни қамраб олади.

Гавҳаршодбегимнинг биринчи босқичдаги фаолиятини қисқа қилиб баҳоласак, Ҳофиз Абрўнинг маликага берган қўйидаги баҳосининг асқоғиши турган гап: «хушбахтлик муқаллимаси, хайру эҳсон ишларининг чеки йўқ, (аслзода) хотинларнинг султони, дунё ва дин сийлагани, ислом ва мусулмонлар покизаси, заифу мискинларнинг паноҳгоҳи»²¹.

Демак, Гавҳаршодбегим фаолиятининг бир қирраси унинг Шоҳрух ҳарамининг султони сифатида эътироф этилиши билан белгиланган. Манбаларда Амир Темурдан сўнг темурийлар сулоласи ҳаётида рўй берган муҳим воқеалар баёнида Гавҳаршодбегим номининг илк бор тилга олиниши ҳам унинг айнан мазкур вазифаси билан боғлиқдир.

Юқорида Халил Султоннинг Туман Оғони амир Шайх Нуриддинга тортиқ этгани ҳақида маълумот бергандик. 1409 йили Халил Султон Мовароуннаҳр учун курашда ютқазиб, Самарқанд тахтини Шоҳрух Улуғбекка топширгач, узоқ йиллар Амир Темур марҳаматига сазовар бўлиб келган, соҳибқирон ўлимидан сўнг энди унинг ҳарамидан ҳам баҳраманд бўлишдан ўзини тия олмаган амирнинг жазо топиши муқаррар эди. Қисқа айтганда, 1411 йили амир Шайх Нуриддин ўлдирилади²². Шоҳрух талаби билан Туман Оғо Ҳиротга келтирилади. Ҳирот остонасида уни Гавҳаршодбегим бошлиқ қатор маликалар қўтиб оладилар²³.

²¹ Зубдат ат-таворих. 2-жилд. 701-бет.

²² *Батафсил қаранг*: Зубдат ат-таворих. 1-жилд. 421-434-бетлар; Маълаи саъдайн ва мажмаъ баҳрайн. 165-168-бетлар.

²³ Зубдат ат-таворих. 1-жилд. 435-436-бетлар; Шоҳрух Туман Оғога катта эъзоз ва икром кўрсатиб, ўз вақтида Амир Темур томонидан маликага *суюртал* қилиб берилган Кусавия қасабасини унга қайталан топширади. Ҳофиз Абрў таъкидлашича, Туман Оғо ушбу мавзела XV аср 20-йилларининг ўрталарида ҳам яшаб турган, кўшлаб рабоблар, хонақоҳлар, мадрасалар қурдирган.

Демак, Амир Темур замонида сароӣ ва ҳукмрон сулола ҳаётида ўрнатилган бош маликалик мақоми Шоҳрух замонида ҳам сақланиб қолган. Бундан ташқари ўз вақтида соҳибқироннинг бош маликаси Сароймулкхоним қўлида тарбия топган Шоҳрух учун ушбу ҳолат табиилик касб этгани шубҳасиз. Шу билан бирга яна бир табиилик бор эди. Яъни Шоҳрух Амир Темур бўлолмаганидек, Гавҳаршодбегим ҳам Сароймулкхоним бўлолмасли. Шунинг учун ҳам бўлса керак, Шоҳрух замонида шаҳзодаларнинг бош малика назоратида тарбия топиллари анъанаси илгариги даврларчалик қатъий йўлга қўйилмагани сезилади. Улугбек ўғли Абдуллатифнинг (1428-1450), Бойсунғур ўғли Алавидавлянинг (1417-1460) Ҳиротда Гавҳаршодбегим парваришида бўлганликларини ҳисобга олмаганда, ушбу теурий анъанага оид бошқа маълумотларни учратмаймиз. Худди шунингдек, Амир Темур замонидаги тартиблардан фарқли ўлароқ Шоҳрух ҳарамининг бошқа вакиллари фаолликларига оид гувоҳликлар ҳам манбаларда ўз аксини топмаган. Бундан чиқди ё улар Гавҳаршодбегим соясида қолиб кетганлар ёки бундай анъанага Шоҳрух (ёхуд, ажабмаски, Гавҳаршодбегим) томонидан рағбат кўрсатилмаган.

Бош малика Сароймулкхоним фақат Амир Темургагина пешвоз чиққан бўлса, Гавҳаршодбегим Шоҳрух кўрсатмаси билан теурийлар хонадонининг нуфузли вакилларини кутиб олиш маросимларига ҳам етакчилик қилган. Чунончи, 820/1417 йили Улугбек Самарқанддан Ҳиротга отланганда уни Гавҳаршодбегим, Бойсунғур, Муҳаммад Жаҳонгир, Муҳаммад Жўкий ва бошқа шаҳзодлар, нуёнлар, амирлар қарши оладилар²⁴. Ё бўлмаса, 822/1419 йили Мўғулистон хони Шами Жаҳоннинг (1398-1407) қизи Меҳр Нигор Оғо ва Муҳаммад Жўкийнинг Боги Зоғонда бўлиб ўтган тўй маросимига ҳам Гавҳаршодбегим бошқонилик қилган²⁵.

²⁴ Зублат ат-таворих. 2-жилд. 664-бет; Матлаи саъдийи ва мажмаи баҳрайн. 241-бет.

²⁵ Зублат ат-таворих. 2-жилд. 701-702-бетлар; Матлаи саъдийи ва мажмаи баҳрайн. 259-бет.

Шоҳрух бош маликасининг хайрли ишлари кўп бўлгани бо-расидаги Ҳофизии Абрунинг юқоридаги таърифи ҳақиқатдир. Гавҳаршодбегимнинг илму маърифатга ҳомийлик қилиш, бунёдкорлик билан боғлиқ ишларига кўпдан-кўп эркак сиёсатчилар ҳавас қилса арзигуликдир. Унинг саъй-ҳаракати билан Ҳиротда масжид, мадраса, хонақоҳ, Машҳадда масжид, мадраса ва қатор иншоотлар барпо этилган²⁶. Ўзининг бунёдкорлик фаолиятида у нафақат йирик амирлару бадавлат савдогарлар, балки Шоҳрухни ҳам доғда қолдирган кезлари бўлган. Шу маънода ўша замон тарихчиси келтирган қуйидаги гувоҳликлар диққатни тортмай қолмайди.

821 йил шаъбон /1418 йил сентябр ойи бошларида Машҳаддаги Али ибн Мусо Ризо²⁷ мақбарасига ташриф буюрган Шоҳрух зиёрат чоғида мақбарага уч минг мисқол тиллодан ишланган қандилни туҳфа этди. Қандилни мақбара гумбазига осиб қўядилар. Шундан сўнг у шу ернинг ўзида Гавҳаршодбегим томонидан қурдирилган масжидни бориб кўради. Бон малика бунёд эттирган иморатдан илҳомланган Шоҳрух мажмуа атрофига сарой ва боғ барпо этишни буюради²⁸.

Хондамир гувоҳлик беришича, Гавҳаршодбегим қурдирган иншоотларнинг бош устаси, асосан Қувомиддин меъмор бўлган. Унинг тақвим тузиб, Шоҳрухга тақдим этгани устанинг салоҳияти қай даражада бўлганини кўрсатади²⁹.

Ҳиротдаги Гавҳаршодбегим мадрасаси ўз даври учун ҳам, кейинги замонлар учун ҳам йирик илм-маърифат маркази ҳисобланган. Ушбу масканда саййид Аслиддин Абдулла Ҳусайний (883/1478 йили вафот этган), мавлоно Камолиддин Масъуд (905/1499-1500 йили вафот этган), мавлоно Халидулла Самарқандий, Хожа

²⁶ Зубдаг ат-таърих, 2-жилд, 693-бет; Матлаи саъйини ва мажмаи баҳрайн, 254-бет; Ҳабиб ас-сиёр, 4-жилд, 68-бет.

²⁷ *Али ибн Мусо Ризо* – халифа Маъмунийнинг (813-833) куёви, ишларининг саккизинчи имоми, 818 йили Тусдан 4 фарсах (тахминан 28км) нарида жойлашган Санобод қишлоғида тусатдан вафот этган, шу ерда халифа Хорун ар-Рашид (786-809) ёнига қумилган. Маъмур маскан кейинчалик шаҳарга айланиб, Машҳад номини олган.

²⁸ Зубдаг ат-таърих, 2-жилд, 693-бет; Матлаи саъйини ва мажмаи баҳрайн, 254-бет.

²⁹ Ҳабиб ас-сиёр, 4-жилд, 15-бет.

Абдурахмон, Низомиддин Абдулхай, амир Бурхониддин каби етук олиму мутафаккирлар таҳсил олганлари, дарс берганликлари маълум³⁰.

Гавҳаршодбегимнинг давлат бошқарувидаги фаол иштироки, айтилганидек, Шоҳрух анча қартайиб қолган, ҳолдан тойиб бораётган даврга, яъни шу асрнинг 40-йилларига тўғри келади. Бир-икки мисолни инобатга олмаганда, то шу вақтгача унинг сарой ишларида доимий тарзда жиддий рол ўйнаб келгани бора-сида тўлиқ маълумотлар манбаларда ўз аксини топмаган³¹. Аммо, адолат юзасидан айтганда, Гавҳаршодбегимнинг ўтган йиллар мобайнида сарой ҳаётида тутган ўзига хос мавқеини намोён этувчи мисоллар ўша замон тарихчилари асаридан ўрин олмай қолганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Асосан Шоҳрух фаолиятини ёритишга бағишланган ушбу асарларда бош маликага ортиқча ургу бермаслик табиийдир. Шунинг учун ҳам Гавҳаршодбегимнинг шахси ва фаолияти билан боғлиқ кўплаб қимматли гувоҳликлар тарих нардаси ортида қолиб кетгани аниқ. Жумладан, Гавҳаршодбегим ва шаҳзодалараро муносабатларга оид маълумотлар ҳам. Айнан ушбу масалага эътиборни тортаётганимизга сабаб, бизгача етиб келган гувоҳликларга кўра Шоҳрух ҳукмронлигининг сўнгги йилларида кескинлик тусини олган сиёсий вазиятда Гавҳаршодбегимнинг у ёки бу шаҳзолага ён босиши асосий омиллардан бири бўлган.

Тақдир тақозоси билан Шоҳрух ўғилларидан Улуғбекдан ташқари қолган барчаси унинг ўзи ҳаётлигидаёқ оламдан ўтиб кетганлар. Шаҳзодалардан Жаҳоншоҳ (онаси - Маликат Оғо),

³⁰ Ўша жойда. 334,343,359,614-бетлар; Х о л д а м и р. Маосир ас-мудук. Техрон. 1372(х). 220,224-бетлар.

³¹ Молия ишларида йўл қўйган палон-тарождликлари учун 1417 йили ҳибса олишган соҳибидевон сайиел Фаҳриддин ҳам Шоҳрух, ҳам Бойсунур назаридан қолган. Гавҳаршодбегимдан наҳот сўранди. Бош маликанинг жавоби қандай бўлгани номазлум эсада, аммо Бойсунурнинг сайиелдин зиндондан бўлаётинга розилик берганини билганиз (Мақлаб саъдий ва мажмаи баҳрайн. 240-бет); Шоҳрух саройида хизмат қилган маншур тарихчи Фасиҳ Хавофийнинг (1375-1442) бир муддат қамок жазосига мубтало бўлишида айнан Гавҳаршодбегимнинг газиби сабаб бўлгани маълум (Тарихи алабиёт дар Ирон. 2-жилд Техрон. 1371 (х). 495-496-бетлар).

Бекўгли (онаси - Оқ Султон), Жонўлтон (1403-1411, онаси - Оқ Султон), Муҳаммад Ёрдий (1404-1409, онаси - Лаъл Тегин) ё ўдақлигида, ё болалигидаёқ вафот этганлар³². Қолган шаҳзолаларга келсак, 1418 йилдан Кобулни бошқариб келаётган Суюргатмиш (онаси - Маликат Ого) касаллик оқибатида 1426 йили 27 ёшида ўлган³³. Майхўрликка қаттиқ берилган Бойсунгур ҳам касалликка чалиниб, табибларнинг зўр беришларига қарамай, 1433 йили дунёдан ўтади ва онаси Гавҳаршодбегим Ҳиротда қурдирган мадраса ҳудудида дафн этилади³⁴. Унинг акаси, Шероз ҳокими Иброҳим Султон ҳам бетоблик оқибатида 1435 йили охиратга сафар қилгани маълум³⁵. 1444 йили Шохрух яна бир ўгли - Муҳаммад Жўкийлан ҳам ажралади. Хондамирнинг ёзишича, мардлиги ва шижоати билан бошқалардан устун бўлган Муҳаммад Жўкий доимо отаси хизматида бўлиб, ўз ўрнида Шохрух ҳам ўғлига алоҳида меҳр кўзи билан қараган. Ота ва ўғил ўртасидаги бундай шикоятни хуш кўрмаган бош малика шаҳзода ҳақида ҳар хил ёмон гапларни ҳукмдорга етказавергач, охири Шохрух Муҳаммад Жўкийни давлат ишларидан йироқлаштиришга мажбур бўлади. Шаҳзоланинг сиёсий мавқеидаги бундай ўзгариш Алавидавла ва Абдуллатифларнинг обрў-эътиборларини юксалтиришга йўл очиб беради. Мазкур воқеаларни кўнглига қаттиқ олган шаҳзода тез орада касалликка чалиниб, ўзини қўлга олишга, вақтини ибодат ва атроф ҳудудларда сайру саёҳатда ўтказишга ҳаракат қилмасин, 1444 йили Сарахс атрофида жон беради. Ушбу воқеадан кўп азият чеккан Шохрух ўғлининг жасадини Ҳиротга олиб келтириб, акаси Бойсунгур ёнига дафн эттиради³⁶.

³² Шохрухнинг Саодат Султон Ого (онаси - Гавҳаршодбегим), Қулдуқ Туркон Ого (онаси - Гавҳаршодбегим), Тағой Туркон Ого (онаси - Тўти хоғун), Қулдуқ Султон Ого (онаси - Тўти хоғун) каби қизлари ҳам ўдақлиги ё болалигида вафот этиб кетганлар (*ҳаранг*: The Timurid dynasty, p.43-47).

³³ Зубдат ал-таворих, 2-жилд, 903-бет.

³⁴ Ушна жойда, 962-бет; Ҳабиб ас-сияр, 3-жилд, 622-623-бетлар.

³⁵ Ҳабиб ас-сияр, 3-жилд, 634-бет.

³⁶ Ушна жойда, 633-634-бетлар.

Шу ерда юқорида келтирилган икки маълумот диққатни тортмай қолмайди: бир томондан, Гавҳаршодбегимнинг Муҳаммад Жўкийга қарши қайфиятда бўлиши, иккинчи томондан амирзодалардан Алавидавла ва Абдуллатифларнинг давлат ишларида юксак мавқе гута бошлаши. Гавҳаршодбегимнинг ўз фарзандига нисбатан қарши туриши, албатта, таажжуб уйғотмай қолмайди. Бу ерда бош маликанинг оналик меҳридан кўра сиёсий манфаатлари устун келгани аниқ. Давлатшоҳ Самарқандийнинг Шоҳрух ўз меросхўри сифатида айнан Муҳаммад Жўкийни мўлжал қилгани борасидаги гувоҳлиги масалага ойдинлик киритади, деб ўйлаймиз³⁷. Яъни тахт вориси сифатида Гавҳаршодбегим набираси Алавидавлани кўзлаган.

Шу маънода Шоҳрух қаттиқ бетоб бўлиб қолган 1444 йил тафсилотларига тўхталиб ўтиш жоиздир. Хондамир гувоҳлик беришича, олий ҳукмдорнинг оғир касалликка чалиниши ҳақидаги хабар тезда атроф мамлакатларга тарқаб, айниқса Хуросонда турли миш-мишларга, жумладан, Шоҳрухнинг куни битиб бораётгани борасидаги гап-сўзларга ҳам сабаб бўлган³⁸. Сарой аҳли орасидаги вазият ва қайфиятни шундан ҳам билса бўладики, эрининг соғайиб кетишидан умиди кам бўлганми ёки суякли набирасини тахт устида кўриш иштиёқи баландлигиданми, Гавҳаршодбегим айни шу кунларда мамлакат лашкари бошлиғи амир Жалолоддин Ферузшоҳни чорлаб, ҳокимият вориси сифатида Алавидавлани тан олиш ва унга қасамёд қилишга мажбур этади³⁹. Аммо тез орада Шоҳрух соғайиб кетади ва бунда амирнинг хизматлари катта бўлганини ҳам таъкидламоқ керак. Чунончи, у замонанинг энг зукко табибларининг олий ҳукмдорни даъволашларида бош-қош бўлгани маълум⁴⁰. Амир Жалолоддин Ферузшоҳнинг бир томондан ҳали Шоҳрух тириклигидаёқ бошқа бир зотга қасамёд этишини ва иккинчи томондан эса олий ҳукмдор-

³⁷ Сочинения. II (2). С. 147.

³⁸ Ҳабиб ас-сияр. 3-жилд. 632-бет.

³⁹ Сочинения. II (2). С. 147.

⁴⁰ Ҳабиб ас-сияр. 3-жилд. 632-бет.

нинг соғайиб кетиши учун зўр беришини қандай тушунмоқ керак? “Ёшлик айёмининг бошидан то ҳаётининг сўнгги вақтларигача ихлос ила хоқони саъид хизматини адо этиб келган”⁴¹ амирнинг шошма-шошарлик билан ёш шаҳзодага қасамёд қилишини бир йил бурун бошланган бошқа бир машмашадан қидиришга тўғри келади, чоғи.

847/1443 йили Балх ҳокимлигидаги молиявий ишларни тафтиш этишга тайинланган амир Имомиддин Маҳмуд Жунободийни кетар чоғида қабул қилар экан Шоҳрух унга Балх мулкнинг уч йиллик молиявий ҳисоб-китобини тайёрлашни, жумладан, яқинда Деҳлидан Балх орқали Ҳиротга келтирилган савдо карвонининг қанча миқдор ва маблағни ташкил этганини аниқлашни, зеро, амир Жалолиддин Ферузшоҳнинг навкарлари ушбу мол-мулкдан тушадиган солиқ маблағларига қўл чўзганликлари борасида маълумотлар борлиги хусусида алоҳида тайинлайди. Бошқача айтганда, Шоҳрух амирнинг Балхдаги вакиллари томонидан мазкур вилоят молиявий ва мулкӣ маблағларини талон-тарож қилинаётганини олдиндан билган. Шу билан бирга ушбу вазифани адо этишда амир Имомиддин Маҳмуднинг зарби етмаслигини англаган ҳолда давлат бошқаруви ишларида юксак мавқега эга амир Жалолиддин Ферузшоҳни жини ёқтирмайдиган Муҳаммад Жўкийни Балх ҳокимлигига тайинлаш ҳақида ҳам олий фармон чиқаради⁴². Яъни Шоҳрух амирнинг танобини тортиб қўйиш ишига бел боғлаганди. Бунинг ҳам сабаблари йўқ эмасди.

Амир Жалолиддин Ферузшоҳ Шоҳрух саройининг энг нуфузли амалдорларидан бўлиб, саййидлар, олимлар, шайхлар ва оддий фуқароларни ўз измига солган, Ҳиротнинг ўзида ҳам ва бошқа

⁴¹ Хондамир томонидан амир Жалолиддин Ферузшоҳга берилган таъриф (Ҳабиб ас-сияр, 3-жилд, 631-бет).

⁴² Ҳабиб ас-сияр, 3-жилд, 631-бет; Амир Жалолиддин Ферузшоҳ Муҳаммад Жўкий унга ёқтирмаслигини билгани эҳтимол билан ва ушбу омиладан Гавҳаринодбегим амирни Ашваляккага қасамёд келтиришида унумли фойдаланганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

вилоятларда ҳам кўнлаб мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, работлар ва ҳовузлар барпо эттирган кагга молнявийи имкониятга, ташкилотчилик қобилиятига эга шахс ҳисобланган. Ҳар ким унинг эгагини тутишга интилган. У бошқа амиру амалдорларни бошқарув ишларига белатмас, ҳеч ким унинг раёинга қарши чиқолмасди. “Буларнинг бари, деб ёзди Хондамир, Ер юзининг ҳукмдори (Шоҳрухга) оғир ботарди”. Аммо мамлакат бошқаруви манфаатларидан келиб чиқиб, у подшоҳларга хос тарзда ўзини билдиб-билмасликка оларди⁴⁵. Демак, пайт нойларди. Афтилан, шундай фурсат энди етилганди.

Ҳақиқатан ҳам отаси унга қандай вазифани юклаганини яхши тушунган. Муҳаммад Жўкий бир йил ўтиб - 848/1444 йили амир Имомиддин Маҳмуд ҳамроҳинида Балхдан пойтахтга келди ва Шоҳрух ҳузуринда вилоят молнявийи ва мулкний аҳволни борасида ҳисобот тиниланади. Хусусан, Балхда амир Жалолиддин Ферузшоҳга тегишли оғамлар томонидан молня, солиқ соҳасида қилинган талон-торожликлар ҳақида ҳам сўз кетди. Шунда кутнмаган воқеа юз берди. Мазкур талон-торожликлар борасида Шоҳрух амир Жалолиддин Ферузшоҳга муурожаат қилган бир пайтда “бундай савоёга дутилишини ҳеч қачон ҳаёлига келтирмаган амир (Жалолиддин) Ферузшоҳнинг жазаваси ўзгариб ўрнидан туралида, эгагини қоқиб олиш мақом мажлисан чиқиб кетди”⁴⁶. Чамаси Шоҳрух кўзлаган натижа юз берган. Чунки бир муддат ўтиб унинг “агар подшоҳнинг ярим сўзида қолдириб мажлисни тарк этмоқ тўро - (тузукда муҳрланган) бўлса, биз, балли, деймиз, аксинча эса подшоҳ тазабидан сақлансунлар” сўзларини ўшандан бери уйида ётган амирга етказганларида жазога мубатало бўлишини билган амир Жалолиддин Ферузшоҳ кўрққанидан касалликка чалинади ва шу аснода тез орала оламдан ўтади⁴⁷. Шу тариқа Шоҳрух бегоблигида очикдан-очик хиёнат йўлига кирган,

⁴⁵ Унда жонда.

⁴⁶ Унда жонда.

⁴⁷ Унда жонда, 633-бет.

умуман олганда эса, давлат бошқарувида чексиз қудратга эга бўлиб бораётган амир масаласи хотима топади.

Амир Жалолиддин Ферузшоҳ ўлиmidан сўнг Гавҳаршодбегимнинг Алавидаврани тахт вориси қилиш режасини қўллаб-қувватловчи ишончли таянч йўқолиб, Муҳаммад Жўкийнинг имкони кучайгандай бўлса-да, аммо юқорида айтилганидек, шу йилнинг ўзида у ҳам вафот этади. Аммо, бобосидан кейин ҳокимиятни қўлга киритиш мўлжали бўлган ва, демак, Гавҳаршодбегим йўлида тўғаноқ турган яна бир шаҳзода бор эди. Гап Форс вилояти ҳокими, марҳум Бойсунғурнинг ўғли Султон Муҳаммад (1418-1452) ҳақида кетмоқда.

Бобоси оғир касалликка чалинган йили у ҳам отни қамчилаб Исфаҳон ва Шерозни забт этишга киришиб кетган. Исфаҳонни эгаллаб, Шерозни қамал қилиб турганида, қуввати кетиб турганига қарамай, “подшоҳларга хос ор-номусга риоят қилган ҳолда ҳамда маҳди улё Гавҳаршодбегимнинг қистови билан” Шоҳрух 850/1446 йили салтанат ғарбига лашкар тортади⁴⁶. Мазкур юришдан Гавҳаршодбегим кўзлаган мақсадни илғаш қийинмас - тахтга даъвогар Султон Муҳаммаднинг пайини қирқиш. Эътиборлиси шундаки, Шоҳрух Ҳиротда ўз ўрнига айнан Алавидаврани қолдиради ва унинг бу қарорга келишида бош маликанинг улуши бўлганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Ҳарбий юришга келсак, Султон Муҳаммад Луристонга қочади, унинг атрофида туриб исёнга бош қўшганлар эса жазоланади. Темурий ҳукмдорлар орасида мусулмончилик тартиб-қоидаларини маҳкам тутиши билан ном қозонган Шоҳрух Гавҳаршодбегимнинг ундови билан рамазон ойининг ўрталари бўлишига қарамай, бир қатор саййидларни ҳам қатл эттиради⁴⁷.

Шоҳрухнинг ўзи ҳам узоққа бормади. Шу йилнинг 25-зулҳижжасида (1447 йил 12 март) касали қўзғаб сафарда вафот этади.

⁴⁶ Ўша жойда. 635-бет.

⁴⁷ Сочинения. II(2). С.148.

Ушбу воқеа юз берган кунни олий ҳукмдорнинг ёнида ҳеч ким бўлмаганига Хондамир алоҳида ургу бериб: “Ўша кеча-кундуз тафсилогни ва мушкулотларга тўла ўша воқеа ҳақиқати махфий қолди”, - дея нимагадир ё кимгадир ишора қилгандай⁴⁸. Аммо шуниси маълумки, ушбу кунларда Гавҳаршодбегим яната фаолланади. У, бир томондан, “тўнгич ўғил Мирзо Улуғбек Кўрагон юз хотирини қилиб... салтанат ва раиййат ҳукмфармоси орамиздан кетди. элу улус сарварсиз қолди. (Ушбу вазиятда) халойиқни тизгинда тутиб, зафарли ланкарни париншонликдан сақлаш сенга муносибдир” қабилида Абдуллатифга хабар юборали⁴⁹, иккинчи томондан эса Алавидавгани ҳам юз берган воқеадан огоҳ қилишга улғуради⁵⁰. Зеро, буёғи пойтахтни, у ердаги сиёсий, молявий қудратни ким эгаллаганига боғлиқ бўлиб қолгани (худди Амир Темури ўлимидан сўнг Самарқандга интилини кучли бўлгани каби).

Ҳақиқатан, Абдуллатиф вазиятни қўлга олади, манъум воқеадан отасини ҳам хабардор этади. Улуғбек, Муҳаммад Жўкийинини ўғли Абу Бакр ҳар бири ўзинча Ҳирот томон ҳаракатга тушадилар. Ҳиротда қолган Алавидавга ҳам бекор ўтирмаган. Хуллас, орадан қирқ йил утиб, темурийлар хонадониди яна тахт учун кураш наллеси бошланади.

Учинчи кунни бобосининг жасадини олиб пойтахтга отланган Абдуллатиф бир-икки манзилни ортда қолдиргач, бош малика тархон амирлари билан тил бириктириб хиёнат йўлини тутганмиш, хабарини олади. Шунга биноан зулҳижжа ойининг охирида (15-16 март) Рай ва Симнон оралигида у Гавҳаршодбегим ва тархон амирларига ҳужум уюштириб, мол-мулкни талатади, кимга шубҳаси бўлса, ҳибсга олдиради. Хондамир Алишер Навоийдан эшитиб ёзишча, бор бисотидан айрилган Гавҳаршодбегим мингани ҳатто бир улоқ ҳам тополмай қолган экан. Қўлига

⁴⁸ Ҳабиб ас-сиёр. 3-жилд. 636-бет.

⁴⁹ Ўша жойда. 637-бет.

⁵⁰ Ўша жойда. 638-бет.

ҳасса олиб пиёда кетаётган бош малика фақатгина барлос амирларидан бирининг навқари етиб келгач, у берган отган миниб олган экан⁵¹. Демак, ўзаро ишончсизлик ва зиддият шу қадар кучли бўлган.

Гавҳаршодбегимнинг бундай аҳволи кўпга чўзилмаган. 851 йилнинг 13 сафар /1447 йил 30 апрел кунини Нишонур атрофида Алавидавла томонидан юборилган Пир Муҳаммад ўғли Солиҳ ва тархон амирлари бошлиқ қўшин Абдуллатиф лашқарига зарба бериб, ўзини асирга олади ва Гавҳаршодбегимни халос этади⁵². Шу тариқа Алавидавла бувиси орзу қилганидек Ҳирот тахтини эгаллайди. Аммо узоқ муддатга эмас. 1448 йил баҳорида пойтахт Алавидавлани мағлубиятга учратган Улугбек кўлига ўтади. Тўнғич ўғлидан хавфсирашга асоси етарли бўлса керак, бош малика ўз укаси Муҳаммад Сўфи тархон, Хожа Пир Аҳмад ва Султон Абу Саъид доруға ҳамроҳида гарбий Эронга қочиб қолади⁵³.

Шу тариқа Гавҳаршодбегимнинг Алавидавлани Шоҳрух меросхўри сифатида кўриш режаси барбод бўлса-да, лекин унинг бу борадаги кучли иштиёқи, аниқроғи шу иштиёқнинг салбий таъсири орадан ўн йилдан кейин ҳам йўқолмаган. 1452-1457 йилларда Хуросонни бошқарган Абулқосим Бобур (1422-1457) ўлимидан сўнг бир гуруҳ амирлар тахтга унинг ўн бир яшар ўғли Шоҳ Маҳмудни ўтқазиб пайига тушадилар. Ўз ўрнида фурсатни ганимат билган Алавидавла ўғли Султон Иброҳим (1440-1459) ҳам отни қамчилайди. Шу муносабат билан Гавҳаршодбегим яна сиёсий саҳнада фаоллашиб қолади. Аниқроғи икки шаҳзодани келиштириш ниятида ҳаракат қилган амирлар бош маликанинг розилиги ва маслаҳати билан унинг навқари Туркманшоҳни Султон Иброҳим ҳарбий қароргоҳига музокара учун юбордилар. Афтидан шу кунларда вазият шу қадар чигаллашиб кетган эдики, Туркманшоҳ қайтиб келмасидан бурун Шоҳ Маҳмуд тарафдорларидан амир Шерҳожи тархон амирларини

⁵¹ Уша жойда. 637-бет.

⁵² Уша жойда. 638-бет.

⁵³ Ҳабиб ас-сияр. 4-жилд. 27-бет.

бош малика ва Султон Иброҳимга ён босишда айблаб, нуфузли тархон амирларига нисбатан қиргин уюштиралади, Гавҳаршодбегимни эса Шоҳрух мадрасасилан ҳеч қачон чиқармай қўяди⁵⁴. Бироқ тез орада Султон Иброҳим лашкари Шоҳ Маҳмуд устилан ғалаба қозонгач, мағлуб шаҳзода тарафдорлари Ҳиротни тарк этадилар. Пайтдан фойдаланган Гавҳаршодбегим аввалига шаҳар дарвозаларини маҳкам ёптириб, Султон Иброҳим етиб келгач, пойтахтнинг унга топширади⁵⁵. Қизиғи шундаки, бу сафар ҳам Гавҳаршодбегим ва унинг суюкли набирасининг ўғли Султон Иброҳимнинг зафар нашидаси узоққа чўзилмайди. Шу йилнинг июл ойида Хуросонга бошқа бир даъвогар - Мовароуннаҳр ҳукмдори Абу Саъид (1451-1469) лашкар тортиб келади.

Юқорида Гавҳаршодбегимнинг Сароймулкхоним бўлмаслиги ҳақида ишора бергандик. Аммо бир масалада ҳар икки малика тақдири ўхшаш бўлган. Абу Саъиднинг Ҳиротни эгаллашига ҳеч қандай шубҳа бўлмас-да, ўз вақтида Султон Иброҳимдан Ихтиёридин қалъасини қўриқлаш вазифасини олган Аҳмад ясовул Мовароуннаҳр ҳукмдорига бўйин эгмаслигини астойдил билдиради. Орада ушбу ҳолатни Гавҳаршодбегимнинг Султон Иброҳим одамлари билан алоқа боғлаб турганига йўнувчи гап-сўзлар ҳам тарқалади. Бунинг устига юқорида зикр этилган амир Шерҳожид ҳам Абу Саъидга бош эгмай Нийрату қалъасида⁵⁶ қайсарлигини намойиш қилиб турар ва тархон амирларини қатл этган шахс сифатида то Гавҳаршодбегим Абу Саъид аъёнлари орасида қоларкан, ҳеч ҳам бўйсунмиш йўлини тутмаслигини қатъий билдирган. Шунга кўра 1457 йилнинг 31 июлида (861 йил рамазон ойининг 9-куни) Абу Саъид Гавҳаршодбегимни қатл эттиради⁵⁷. Бош малика жасади унинг ўзи қурдирган мадраса ҳудудига кўмилади.

⁵⁴ Ушбу жойда. 63-65-бетлар.

⁵⁵ Ушбу жойда.

⁵⁶ *Нийрату* (Нарату, Нарту) - Ҳирот атрофидаги Болғие ҳудудида жойлашган мустақкам қалъа (*Батафсиқ қаранг*: Жутрофийоин Ҳофизи Абрӯ. Қисмати рабъи Хуросон. Ҳирот. Техрон. 1349(х). 105-107-бетлар).

⁵⁷ Ҳабиб ас-сияр. 4-жилд. 68-бет.

МУНДАРИЖА

Томир хотун	4
Қабаж хотун	11
Сароймулкхоним	18
Гавҳаршодбегим	32

Муҳаррир *М. Содиқова*
Техмуҳаррир *Л. Тюрин*
Мусаввир *Г. Жирнов*

Босишга рухсат этилди 9.04.02. Қоғоз бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Таймс UZ
гарнитура. Оффсет қоғози. Шартли босма т. 2,94. Ҳисоб-нашриёт т. 3,0.
5000 нусха. 309 -буюртма. Келишилган нархда.

ЎЗР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент,
акад. Яҳё Гуломов кўчаси, 70.
Тошкент, Навоий кўчаси, 30,
«GROTEKS» ҚҚ си.

Қайдлар учун